

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:930.1

ББК:63,2(35)

ОРЗИЕВА НАФИСА АСЛОНОВНА

**“АБУЛ ҲУСАЙН АҲМАД ИБН АЗ-ЗУБАЙРНИНГ “КИТОБ АЗ-
ЗАҲОИР ВА-Т-ТУХАФ” АСАРИ ТАРИХИЙ МАНБА”**

5220200 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот методлари
мутахассислиги

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: т.ф.д. Ш.С.Камолиддин

Тошкент-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА ЎРТА ОСИЁ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ.....	11
1.1. Сомонийлар давлатида элчилик муносабатлари ва элчиларни қабул қилиш маросимлари.....	11
1.2. Ғазнавийлар давлатида элчилик муносабатлари ва элчиларни қабул қилиш маросимлари.....	26
II БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ДАВРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ.....	36
2.1. Халифаликда никоҳ ва хатна маросимларининг тасвири	36
2.2. Халифаликда рўй берган муҳим воқеалар ва кийиниш маданияти	43
III БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА СОСОНИЙ ВА ХИТОЙ ПОДШОҲЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ	52
3.1. Сосонийлар давлатида элчиларнинг қабул маросимлари, қимматбаҳо ҳадялар ва қўлга киритилган ўлжалар тўғрисидаги маълумотлар.....	52
3.2. Хитой подшоҳлари даврида элчилик муносабатлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари	60
ХУЛОСА.....	66
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	70

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ҳар бир инсон ўзининг авлод-аждоди ва насл-насабини, она Ватанининг тарихини билишга интилади. Бу интилиш инсоният тарихида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, бу қадимий ва табаррук макондан буюк алломалар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққанлигини бутун дунё тан олмоқда.

Юртимиз ҳудудларида қадим замонларда қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган меъморий обидалар азалдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради.

Айниқса, тинимсиз курашлар ва босқинчиликлар давомида омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин¹.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки ўзингизга маълум,

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 413 б.

шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.

Аммо мустақилликқа эришганимиздан сўнг қадимий манбалардан тўлақонли фойдаланишга, тарихимизнинг янги қирраларини очишга киришилди. Ҳозирги вақтда ёшларимиз орасида ҳам бундай манбаларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисоалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрий, назмий, сахна асарлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, суҳбатлар, мулоқотларда фикрлар рангбаранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдири учун ўзларини масъул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этишмоқда.

Тадқиқот мавзуси сифатида танланган XI аср араб тарихчиси Абу-л-Ҳусайн Аҳмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” (Бойликлар ва совғалар китоби) асари биз учун янгилик бўлганлиги, шунингдек унинг фақатгина ягона нусхасининг мавжудлиги сабабли бундаги маълумотларнинг ўзбек давлатчилиқ тарихини ёритишдаги ўрни катталигини, унинг илмийлик даражасини аниқлаш ва бунинг ўзбек тилидаги нусхасини яратиш, XI асрдаги воқеаларни (яъни асарда келтирилган) бошқа манбалар билан қиёслаган ҳолда ўрганиш, бу асарнинг муаллифи ва манбани илм аҳлига таништириш, Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган сулолаларнинг ҳарбий санъатини, маданий ҳаётини ҳам кенг ёритиш олдимизда турган долзарб муаммолардан биридир.

Асар муаллифи ва асар ҳақида маълумот. Араб тилида ёзилган бу асарда келтирилган маълумотлардан аён бўладики, Ибн аз-Зубайр шиъа мазҳабига мансуб бўлиб, Ироқ, Форс ва Кермон вилоятларининг Бувайҳий амири Имодиддин Абу Калижар ал-Марзубон (415 – 1024/440 – 1048 йилларда ҳукм сурган)нинг хизматида бўлган. Ироқда Бувайҳийлар

ҳокимияти ағдарилиб сунний мазҳабига мансуб Салжуқийлар ҳокимияти ўрнатилгандан кейин у Мисрга кетиб, Фотимийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Солиҳ ал-Мустансир (427 – 1036/487 – 1094 йилларда ҳукм сурган) саройига хизматга кирган. Унинг узоқ вақт давлат ва дипломатик фаолият олиб бориш натижасида орттирган тажрибаси ва қимматли билимлари унга ҳукмдорлар ўртасида ўзаро совғалар алмашиш ҳақида махсус асар ёзиш учун имкон яратади. Шуниси муҳимки, ўз даврида юз берган воқеаларини ёритишда у фойладанган маълумотларнинг кўп қисми ҳақиқатга асосланган эди.

Бу асар ўрта асрларда жуда машҳур бўлган, чунки унда келтирилган бир кичик маълумот ҳам муҳим тарихий воқеаларни изоҳлашга имкон беради. Унда ҳукмдорлар ўртасида ўзаро совғалар алмашиш, шунингдек тўй, никоҳ ва ўғил болаларни суннат қилиш базмларини нишонлаш, машҳур кашфиётларни қадрлаш, машҳур давлат арбоблари ва ҳукмдорлар томонидан мол-мулкни мерос сифатида қолдириш, айрим жойлардан топилган қимматбаҳо бойликлар, шунингдек Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлардан олиб кетилган буюмлар ҳақида жуда ҳам қимматли маълумотлар берилган. Асарда баён этилган воқеаларнинг асосий қисми Аббосийлар, Бувайҳийлар ва Фотимийлар тарихидан мисол қилиб келтирилган

Ушбу асарда тарихий жиҳатдан муҳим бўлган икки мавзу ҳақида сўз юритилган:

Биринчи:

- Араб исломий маданияти;
- Ҳукмдорларнинг ўзаро юборилган элчиларни қабул қилиш маросимлари

Иккинчи:

- Ҳинд, Европа подшоҳлари ва мусулмон ҳукмдорлари ўртасидаги дипломатик алоқалар

- Подшоҳдарнинг бир-бирларига ёзган хатлари
- Подшоҳларнинг бир-бирларига улашган ҳадя ва тухфалари.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади ёшларимиз ва тарихчиларимизни ўтмишимиз ва тарихимизнинг янги қирралари билан таништириш, Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган подшоҳларнинг олиб борган сиёсатлари, уюштирган маросимлари, бир-бирларига қилган тухфа ва совғалари, элчиларни кутиб олишда махсус тайёргарлик кўрилганлиги, исёнчилик юришларида қўлга киритган ўлжалари ва улардан нималардан фойдаланганликлари каби масалаларни бошқа манбалар билан солиштирган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилишдир.

Ушбу мақсад қуйидаги вазифалардан ўрганишни тақозо этади:

- мазкур манбанинг ўзбек тилидаги вариантыни мукамал қилиб яратиш ва уни фойдаланувчиларга етказиш;
- фақатгина манба ҳақида эмас, балки муаллиф ҳақида тўлиқ маълумот бериш ва уни ўрганувчиларга, тадқиқотчиларга таништириш;
- асарнинг муаллифи аз-Зубайр, унинг ким бўлганлиги, қаерда яшаганлиги, қайси подшоҳлар саройида хизмат қилганлиги, бу асарни ёзишига нима сабаб бўлганлиги ва бунда қайси давр воқеалари ёритилганлигини мукамал ўрганиш;
- Марказий Осиёда ва бошқа давлатларда ҳукмронлик қилган подшоҳларнинг олиб борган сиёсатлари, дипломатик алоқалари, подшоҳларга берилган тухфа ва совғалар, никоҳ, хатна ва элчиларни кутиб олиш маросимларини чуқур таҳлил қилиш;
- Марказий Осиё, Араб халифалиги, Хитой ва бошқа давлатларда ҳукмронлик қилган подшоҳлар ва сарой аъёнларининг кийиниш маданияти, сарой урф-одатларини ўрганиш, бошқа манбалар билан солиштирган ҳолда таҳлил қилишдир

Тадқиқот объекти. Мазкур тадқиқот ишининг объектини Ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асарида Марказий Осиё ҳудудида

хукмронлик қилган сулолалар, Ғазнавийлар ва Сомонийлар тарихи, уларнинг дипломатик алоқалари, шунингдек Араб халифалари, уларнинг сарой урф-одатлари, никоҳ, хатна, элчиларни кутиб олиш маросимлари, кийиниш маданияти ҳамда Сосонийлар ва Хитой подшоҳлари тўғрисида келтирилган тарихий маълумотларни ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот предмети. Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асари мазкур тадқиқот ишининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” (Бойликлар ва совғалар китоби) асари тахминан 463/1070-1071 йилда ёзилган бўлиб, унинг бизгача етиб келган ягона қўлёзмаси ҳозир Туркиядаги Қораҳисор кутубхонасида 802/14 рақами остида сақланади. Қўлёзмадаги ёзувлардан маълум бўладиги, бу қўлёзма машҳур мамлук тарихчиси Ибн Дакмоқ томонидан кўчирилган. Китобнинг котиби унга унвон ёзган: “Бебаҳо инжулар ва туҳфалар китоби, унинг ажойиб фойдали қисқартмаси мавжуд”. Бу унвоннинг қуйи қисмида кўз илғамас ҳарфларда “жаноб Иброҳим ибн Муҳаммад Айдамир ал-Алабий аш-Шаҳир Бобан Дакмоқ раҳимахуллоҳ хати билан” деб ёзилган. Ибн аз-Зубайрнинг асарини шайх Шихобиддин Авҳадий исмли бир шахс қўшимча маълумотлар “Биродаримиз Авҳадий ихтиёр туҳфа ва ҳадялар китобидан топилган нарсаларга зиёдлар” деган жумлалар билан тўлдирган ва саралаган.

XV асрда яшаган Ғузулий “Ажойиботлар ва совғалар” ёки “Ҳадялар ва туҳфалар” ҳамда шу даврда яшаган Макризий “Ҳазиналар ва туҳфалар” деб номланган асарларини ёзишда Қози ибн аз-Зубайр асаридан фойдаланганликларини Ғузулийнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтади ҳамда бу гаплар Ғузулий асарининг 38-бобида учрайди.

Мазкур қўлёзма илк бор араб олими Муҳаммад Ҳамидуллоҳ томонидан тадқиқ этилган ва унинг матни 1959 йилда Қувайтда нашр этилган.

Гарчи тадқиқот ишида очиб берилаётган маълумотлар қайсидир даражада хорижлик олимлар Кайковус, Х.А.Р.Гибб, С.Е.Боврот, В.Бартольд, Р.Леви, У.Манини, Н.Нозим, Гардизий, Ибн, ал-Атхир, Низомулмулк, Байҳақий, Хилол ас-Саби, С.В. Дашков, Л.П.Смирнова, Э.Шефер.² томонидан ёритиб берилган бўлса-да, тарихий воқеалар асосан ҳикоя тарзида ёритилган ҳамда барча тафсилотлар батафсил, атрофлича ўз аксини топмаган.

Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” асарида юқорида тилга олинган маълумотлар бевосита муаллифнинг ўзи ушбу воқеалар гувоҳи бўлган, шунингдек ушбу воқеаларда иштирок этган бошқа шахслардан ўрганиб, баён қилинган.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асослари. Тадқиқотнинг илмий концепцияси масалага тарихшунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан ёндашиш асосида Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” асарида ҳукмдорларнинг ўзаро юборилган элчиларни қабул қилиш маросимлари, подшоҳдарнинг бир-бирларига ёзган хатлари, улашган ҳадя ва тухфаларини атрофлича ёритиш. Айни пайтда бу даврдаги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларни ҳаққоний тарихий воқеаларга

² Кайковус “Кобуснома” Т. 1972; H.A.R. Gibb. The Arab conquests in Central Asia. London, 1923; Bosworth C.E. An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition th Samanid Military History. The Medieval History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII.; Bosworth C.E. The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and eastern Iran 994-1040; Bosworth C.E. An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition th Samanid Military History. The Medieval History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII; Bosworth C.E. The imperial policy of the early Ghaznavids. Karachi, 1962.; Bosworth C.E. Early sources for the history of the first four Ghaznavid Sultans. London. 1963; Bosworth C.E. An Embassy to Mahmud of Ghazna Recorded in Qadi Ibn az-Zubayr’s Kitab adh-dhakha’ir wa’t tuhaf; Bosworth C.E. Mahmud of Ghazna in contemporary eyes and in later Persian literature. London, 1966; Bosworht C.E. Military organization under the Buyids of Persia and Iraq London, 1967; Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. С англ. П.А.Грязневича. М.: Главная редакция восточной литературы издательства “Наука”, 1971; Barthold W. Turkestan down to the Mongol invesion. London, 1928; R. Levy. The social structure of Islam. Cambridge, 1957; Nazim N., The life and times of Sultan Mahmud of Ghazna, (Cambridge 1931); Utbi-Manini “at-Ta’rikh al-Yamini” (Cairo 1268/1869), II; Ibn al-Athir, al-Kamil, ed. Tornberg, IX; Gardizi. Zain al-akhbar. Berlin, 1928; Ibn al-Athir. Al-Kamil. Cairo, 1929-34; Низом ул-Мулк. Сиёсатнома. Т.: Шарқ, 1997; Абул-Фазл Байхаки. История Мас’уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.1969; Хилал Ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов. (Русум дар ал-халифа). Перевод с арабского предисловие и примечания И.Б.Михайловой. М.1983; Дашков С.В. Цари царей Сасаниды. М. 2008; Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М.1981; Смирнова Л. П. История Систан. М.: 1974.

асосланган ва холислик тамойилига таянган ҳолда таҳлил қилиш кўзда тутилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ўзбек давлатчилиги тарихи, миллий мафкура, маънавият масалаларига бағишланган асарлари, маҳаллий ва хорижлик олимларнинг тарихшунослик, шарқшунослик, манбашунослик соҳаларида олиб борган тадқиқотлари мазмунидан келиб чиққан илмий хулосалар мазкур ишнинг назарий асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” бугунги кунга қадар ўзбек тилига таржима қилинмаган. Мазкур асарда келтирилган маълумотлар муаллифнинг бевосита ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеалар, шунингдек ўша даврда яшаб ўтган тарихий шахслар тилидан олиб ёзилган бўлиб, улар бор-йўғи муаллиф томонидан тўқиб ёзилган маълумотлар эмаслигидан далолат беради. Мазкур тадқиқот ишининг илмий янлиги жиҳатларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

– Ўрта асрларда Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Сомонийлар ва Ғазнавийлар сулоласининг ҳукмдорлари томонидан олиб борилган дипломатик алоқаларда ўзига хос тартиб қоидаларга риоя қилинган, элчиларни кутиб олиш, элчиларда ташриф буюрган мамлакатнинг қудратини кўрсатиш учун турли хил қимматбаҳо осори-атиқалар, ҳайвонлар, ҳарбийлар орқали уларни ҳайратда қолдириш, элчиларга кўрсатилган иззат-икром, ўзаро совғалар алмашиниш, қолаверса қабул маросимида элчилар ва ҳукмдорларнинг ўзини тутиши кабилар батафсил ёритиб берилди;

– Араб халифалари, уларнинг сарой урф-одатлари, никоҳ, хатна маросимлари, элчиларни кутиб олиш ва қабул маросимлари, халифалар ва сарой аъёнларининг кийиниш маданияти, халифалар томонидан турли мамлакатлар ҳукмдорларига қилиган ҳадялар, урушларда қўлган қиритилган

қимматбаҳо осори-атиқлар, ноёб ва бебаҳо буюмлар тасвири баён этилиб, таҳлил қилинди;

– Сосоний ва Хитой подшоҳлари, уларнинг бойликлари, элчилик муносабатлари, ҳукмдорларга қилинган ҳадялар ва урушларда қўлга киритилган ўлжалар ва бошқа шу каби маълумотларни атрофлича тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” асарини ўзбек тилида ўрганиш ва тадқиқ қилиш натижасида Марказий Осиё ҳудудида ҳукмронлик қилган сулолалар, уларнинг юритган сиёсати, олиб борган дипломатик алоқалари, қийиниш маданияти, никоҳ, хатна, элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари тўғрисидаги маълумотларни чуқур таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларини тарихчилар ва китобхоналарга етказиш, энг асосийси Марказий Осий халқлари тарихини ўрганиш бўйича ихтисослашган олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, аспирантлари томонидан тарихий манба сифатида ўрганишда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Тадқиқотнинг манбавий асоси. Мазкур тадқиқот ишининг манбавий асоси Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг 463/1070-1071 йилда ёзилган “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” асари ҳисобланади. Тадқиқот ишини олиб боришда араб олими Муҳаммад Ҳамидуллоҳ томонидан тадқиқ этилган ва 1959 йилда Қувайтда нашр этилган нусхасидан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Мазкур тадқиқот иши кириш, хулоса, 3 боб ва 6 параграфдан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 73 бетдан иборат.

I БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА ЎРТА ОСИЁ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1. Сомонийлар давлатида элчилик муносабатлари ва элчиларни қабул қилиш маросимлари

Тарихдан маълумки, Сомонийлар давлати IX асрда Араб халифалигидан ажралиб чиқиб, Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган. Бир асрдан кўпроқ вақт давомида давлатни бошқариб келган Сомонхудоётнинг набиралари Мовароуннаҳр ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётининг юксалишига эришибгина қолмай, сиёсий жиҳатдан тўла мустақил давлат барпо этишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, Сомонийлар даврида давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида девонлардан иборат бошқарув тизимининг жорий қилинганлиги, ҳар бир девоннинг мақсад ва вазифалари белгиланганлигини ўша даврда сиёсий жиҳатдан етукликнинг ёрқин намунаси, деб айтиш мумкин. Девонлар орасида девони амид-ул мулк — давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазирлиги диққатга сазовордир.

Сир эмаски, подшоҳлар учун элчиларни қабул қилиш энг муҳим ва нозик ишлардан биридир. Шунинг учун ҳам кўпгина подшоҳлар ўз даврининг буюк мутаффакирларидан бу ҳақида қўлланмалар ёзишни сўраганлар. Сомонийлар даврида ҳам элчилик муносабатларига жуда катта эътибор қаратилган.

Масалан, XI аср муаллифи Низом ал-Мулк “Сиёсатнома” асарида бу мавзуга тўлиқ тўхталиб ўтган. Унинг ёзишича, ташқаридан келган элчиларнинг келиб-кетишлари ноъмалум қолиши, уларнинг аҳволидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради. Чегарада турган амалдорлар элчи келаётганлиги ҳақида хабар олса, у бирор

обрўли кишини унга йўлдош қилиб, маълум шаҳарга юбориши лозим дейди. У ерда уни бошқа кишиларга топшириб, янги обод шаҳар ва ноҳияларни томоша қилдириб, охири саройга олиб келсинлар. Амалдор ва мансабли кишиларга фармон шудирки, элчилар қайси манзилга кўнсалар, меҳмондўстлик билан узатиш лозим.

Шунингдек у элчини шароб ичмайдиган, масхарабозлик қилмайдиган, қимор ўйнамайдиган, камгап доно элчи бўлиши яхшилигини ҳамда унинг сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлиши кераклигини ёзади³.

Бундан ташқари Кайковуснинг “Қобуснома” асарида подшоҳларнинг нома ёзиши ҳам бир санъат эканлигини таъкидланган. Асарда ҳар сўзни ёзсанг ширин, қисқа ёзгин. Котибга соҳиб бўлмоқ, идрок билмоқ ва котиблик сирларини яхши билмоқ, рамзли сўзларни англамоқ лозимдир⁴, деб бунга мисол тариқасида Ғазнавийлар давлатининг султони Махмуднинг Боғдод халифаси Алқодир биллоҳга “Мовароуннаҳрни менга бергин, агар рози бўлмасанг қилич билан олурман” деган мазмундаги нома йўллайди. Халифа бунга жавоб тариқасида мактуб йўллайди, номанинг бошида “бисмиллоҳир роҳманир роҳим” деб ёзилган эди. Ундан кейинги сатрда эса “алиф, лом, мим” ҳарфлари ёзилган эди. Бу “Худо филбонларинг бошига не куйларни солганин наҳотки тушунмамишсан” мазмунида эди^{5,2}.

Бундан аён бўладики, элчилик мансаби ва муносабатлари жуда муҳим ва кўп идрок талаб қиладиган ишдир. Шу сабабли бундай муносабатларни Қози ибн аз-Зубайр ҳам ўз асарида келтириб ўтади.

Асарнинг 4-қисми “Машҳур замонларда ва олий даргоҳлар тарихида юз берган диққатга сазовор кунлар ва учрашувлар” (الايام المشهودة والاجتماعات في) (الايام المشهودة والاجتماعات في) деб номланган бўлиб, унда турли ҳукмдорлар

³ Низом ал-Мулк. Сиёсатнома. Т. Шарқ. 1997. Б.92

⁴ Кайковус “Қобуснома” Т. 1972. Б.130.

⁵ Кайковус “Қобуснома”. Т. 1972, Б.131.

томонидан элчилар шарафига ўтказилган тантанали қабул маросимлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Хусусан, унда Хитой подшоҳи томонидан 327/939 йилда амир Наср бин Аҳмад ас-Сомоний ҳузурига юборилган элчилиги ҳақида батафсил маълумот берилган. Асарда келтирилган ҳикояда аввал Хитой элчиларининг юборилиши шарт-шароитлари изоҳланган, уларнинг Сомонийларга қарашли ерлар бўйлаб Фарғона ҳудудидан бошлаб пойтахт шаҳар Бухорогача юриб бориши тасвирланган. Қуйида биз шу парчанинг таржимасини келтирамиз

“Наср ибн Аҳмад ибн Нуҳ ибн Асад ҳузурига Хитой подшоҳи 327 йилда элчилар юбориб, амирдан ўтган 27 йил учун *хирож*⁶ тўлашни ва ўзининг ерларида подшоҳ ҳукмронлигини расман тан олишни талаб қилади. Агар амир буни қилишдан бош тортса, унга қарши уруш қилиш учун аскарлар жўнатишини маълум қилади.

Бунинг сабаби шу эдики, даҳрийлардан бўлган нишопурлик бир одамнинг устидан Наср ибн Аҳмадга унинг очиқ бидъатчилик қилгани ва Худонинг қудратларини инкор этгани ҳақида тухмат қилинган эди. Амир уни ҳибсга олиб, қамокқа ташланган эди.

Бухоронинг машҳур фақиҳи ва амирнинг давлат ишларида ишончли одамларидан бири бўлган Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс ибн аз-Забурқон Наср ибн Аҳмаддан бу одамнинг қарашлари ҳақида сўроқ қилиш мақсадида уни ўз қарамоғига топширишни сўрайди. Амир уни бир бинога жойлаштириб, уни кўриқлаш учун назоратчи тайинлайди. Лекин бир куни кечаси бу одам ҳийла ишлатиб қочади ва Хитойга кетади. Хитой подшоҳи унинг бу ҳийласидан таъсирланади, уни ўзининг вазири этиб тайинлайди ва унинг учун йўл очиб беради. Бу одам подшоҳга ислом заиф ҳолатда, ҳатто одамларнинг кичик бир гуруҳи кўтарилса ҳам мамлакатдаги ҳокимиятни қўлга олиши мумкин деган бир қанча гапларни айтади.

⁶ Солиқ тури

Шундан кейин Хитой подшоҳининг элчилари Фарғонага етиб келади. Улар эса ўз идроки, ақли ва билими билан танилган Хитойдаги энг машҳур 4 та олимлардан эдилар. Улар билан яна 40 та отлиқ аскарлар ҳам бор эди. Хитой подшоҳи Наср ибн Аҳмадга ёзган хатида ундан охириги 27 йил учун солиқ тўлашини ва унинг ҳокимияти расман тан олишини талаб қилган эди. Агар амир унга бўйсинмаса, унда подшоҳ унга қўшин тортиши мумкин, улар эса шунчалик кўпки, уларнинг олдинги қисмлари Мовароуннаҳрда бўлганда, орқа қисмлари ҳали Хитойда юрган бўлади. Подшоҳ фақат бу билан чекланиб қолмайди, балки Ироққа ҳам ҳужум қилиб, бутун халифаликни йўқ қилиши мумкинлиги ёзилган эди.⁷

Фарғонанинг Молик исмли маҳаллий ҳукмдори элчиларнинг Фарғонага келиб тушгани, уларнинг аҳволи ва келишидан мақсади ҳақида Наср ибн Аҳмадга хабар беради. Моликнинг хати амирга етиб борганда, жавоб хатида элчиларга дўстона муносабатда бўлишни, 4 та элчининг ҳар бирини отларда олиб юришни, уларнинг хизматига биттадан ғулом бириктириб қўйишни, кейин эса Фарғонанинг қўшинлари ва кўнгилли аскарларни тўплаб, улар билан бирга дарё бўйига келишни ва улар билан бирга Хўжандаги сувдан кечиб ўтишни буюради. Ушрусана ҳукмдорига ҳам худди шундай, Самарқанд ҳукмдорларига худди шундай мазмундаги хатлар ёзади. Шунингдек у аш-Шош, Исбижоб, Суғд, Фороб ва Самарқандга улардаги барча ёшу қари ҳарбий ғуломларни Бухорога юборишни буюрди.

Бу даврда Сомонийларнинг обрўси ва нуфузи юксак эди, Наср ибн Аҳмад ҳукмронлик қилган даврда эса айниқса чўққисига чиққан эди. Шу сабабли амир ўзининг қудратини элчиларга намоиш қилишга ҳаракат қилади, буни қуйида кўришимиз мумкин:

Амир Бухородаги ҳамма уйларни турли рангларга бўяшни буюрди. Барча заргарлар чакиртирилди, унинг тахти ва зиёфат хонтахтаси янгиланди, амирга катта тож ясалди. Амир уларга олтин ва кумушдан 40 та рангли шох

⁷ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.140.

ҳассалари яшашни буюрди, шуниндек у қабулхонасини бошдан-оёқ олтин билан безатилган анжомлар(мебел)илар билан жиҳозлашни буюрди. Унинг қабулхонаси феруза тошига ўхшаб безатилди. У имкон қадар кўп қалқонлар, олтиндан ишланган ҳарбий кийимлар ва совутларни тўплашни буюрди. У кўшинни кўздан кечирди ва кўнгиллилар кўшинининг бошлиғига хазинадан ўзига керак миқдорда қурол-яроқлар ва керагича отлар олишни ва ҳамма ерлардан отларни келтиришни буюрди⁸.

Самарқанд ҳокимидан унинг ўз шахридан йўлга чиққани ҳақида хабар келганда, Наср ибн Аҳмад кўнгилли аскарларни Дабусийага юборишни буюрди, ўзи эса уларни кутиб олмоқчи эди. Бу кўнгиллилардан 40 минг отлик бўлиб, ҳаммасида қалқонлар бор эди. Улар Дабусийа ва Кармания ўртасида жойлашган *Ашруфанс*⁹ номли қишлоқга етганларида, уларни ас-Суғд кўшини ва улар билан элчиларни кутиб олдилар. Элчилар тоғ устига чиқиб, Ашруфанс текислигига назар ташлаганларида, уларнинг кўзларига бутун дунё фазоси пўлат ичида қолгандек ва қуёш нурлари фақат қалқонлар ва дубулғаларни ёритаётгандек кўринди. Бундан улар эс-ҳушларини йўқотгудек бўлдилар ва бу манзарага тикилиб қолдилар. Кўнгилли аскарлар бир-бирларини салом бериб қутладилар. Элчиларни кузатиб бориш Бухоро кўнгиллилар кўшинининг лашкарбошиси Абу Аҳмад ибн Абд ал-Воҳидга топширилганда, у улардан элчиларни қабул қилиб олди. Улар Карманийага етиб борганларида, байроқлар кўтарилди. Пиёда аскарлар ва оддий халқ қуроллари билан Карманийадан чиқдилар. Ўша саҳрода қурол-яроқлар, аламлар ва байроқлардан қораймаган бирор ер йўқ эди.

Элчилар таржимонга дедилар: “Лашкарбошидан сўра, сизларнинг султонингизга буларнинг ҳаммаси қаердан келди? Бу аскарлардаги моллар қаердан келди?”. Таржимон бу гапларни Аҳмад ибн Абд ал-Воҳидга етказди, ва у таржимонга деди: “Булар иқтоъ ерларининг эгаларидир, уларга бу ерлар

⁸ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.141.

⁹ Бухоро вилоятининг охири ва Саҳл вилоятининг бошланиш жойи

ўзларини боқиш, отлари ва қурол-яроқларининг харажатлари қоплаш ва аёлларини ва уларга келган йўловчиларни боқиш учун берилган. Бу ерлардан келадиган даромад уларнинг эҳтиёжларидан ортиб, тижорат қилишга ва камбағалларга садақалар беришга ҳам етади”¹⁰.

Уларда Бағдодда *муртазика*¹¹ деб аталадиган қўшинлар сингари авлийо қўшинлар ҳали йўқ. Элчилар яна сўрадилар: “Сизнинг хўжайинингизда ҳам шунга ўхшаш қўшин борми?” Улар дедилар: “Ҳа, унинг мендаги қўшинга ўхшаш бир нечта қўшинлари бор. Унинг қўшини худди қўйлар подасининг чўпонларига ўхшайди”. Элчилар дедилар: “Э. Аллоҳ! сизлардан бизга келган разил одам бизни алдаган экан. Агар бизнинг хўжайинимиз бутун ислом дунёсида сенинг бу қўшининг сингари қўшини борлигини билганида эди, у ҳеч қачон ислом номини тилга олишга ҳам журъат қилмас эди. Лекин сизлардан бизга келган у разил одам бизни алдаган экан”.

Улар Карманияда тунаб қолдилар. Улар бутун дунёни тўлдириб сўйилган қўйлар ва сигирларни, ўрнатилган қозонларни кўрдилар, тандирлардан чиқаётган нонларни ва меваларни кўрдилар, ва дедилар: “Агар биз элчилар бўлмаганимизда, топшириқни бажариб, хатни етказишимиз ва жавобни олишимиз керак бўлмаганда, шу ердан қайтиб кетганимиз тўғри бўлар эди. Биз шундан кўрқябмизки, олдинда бизни бундан ҳам буюкроқ воқеалар кутиб турибди”.

Эртасига улар Карманиядан Тавовисга кетганларида, уларни Тавовиснинг қуролланган пиёда аскарлар кутиб олдилар, улар билан байроқлар ва аламлар ҳам бор эди. Тавовисда элчилар Карманияда бўлган ишларни унутдилар. Элчилар бу ерда тунаб қолдилар. Қўшин ҳам етиб келди ва Тавовисдан 1 *фарсах*¹² масофада жойлашди. Элчилар эса бундан беҳабар эдилар. Элчилар тонгда туриб, отларга миндилар ва Тавовисдан йўлга

¹⁰ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.142-143.

¹¹ мунтазам маошли аскарларга нисбатан ишлатилган, Хоразмшоҳларда эса мунтазам қўшин шунақа номланган

¹² бир фарсах 5544 метрга тенг узунлик ўлчови

чикдилар. Йўлнинг икки томонида аскарлар саф тортиб турдилар. Отлиқлар, уларнинг олдида эса пиёдалар турар эди, ҳаммасида олтин қалқонлар ва олтин дубулғалар бор эди. Пиёдалар ҳам шу ҳолда эди. Улар элчиларга тақдим этилди. Уларнинг лашкарбошилари олтин кийимлар ва тибет совутлари ва рангли зирҳлар кийган аскарларнинг сафлари орасидан элчиларни кутиб олар эдилар. Ҳар бир лашкарбошининг ғуломлари ҳам шу йўсинда эди. Сафларнинг бошлиқлари қимир этмай турар эдилар. Элчилар бу ҳолатни кўриб, ҳайратга тушдилар. Улар олдинги Хитой подшоҳларини унутдилар. Улар бунга ўхшаш нарсаларни ҳеч қачон кўрмаган ҳам, эшитмаганлар ҳам эдилар. Улар Тавовисдан 7 фарсах юриб, Бухоро дарвозасига шу ҳолатда етиб келдилар. Кейин кеч кирганда, уларни шаҳар дарвозаси ёнида дарё бўйидаги меҳмонхонага жойлаштирдилар¹³.

Элчилар тонгда турганларида, бутун дунё бақириқ-чақириқ ва шовқин-сурондан мавжланаётганини кўрдилар. Бухоронинг байроқлари кўтарилган эди. Бухоронинг 1700 та байроғи бор эди. Ҳар бир байроқнинг тагида 200 дан 1000 гача айёрлар турар эди. Бу айёрларнинг махсус байроқлари ғозийларнинг аламларидан бошқа эди. Элчилар бутун дунёни эгаллаб олган тизилган байроқларга назар ташладилар, байроқларнинг кўплигидан отлиқлар ҳам, пиёдалар ҳам кўринмас эди. Элчиларни отларга миндирдилар ва шаҳарнинг гўзаллигини уларга намоиш қилдилар. Шаҳар бошдан охиригача турли хил ажойиб кийимлар қўйилган нақшли ва ипак расталар билан безатилган эди. Эркаклар ва аёллар томоша қилишга чиқдилар.

Элчилар шаҳар дарвозасига етиб келганда, уларни ерга туширдилар ва бутун шаҳар аҳолиси уларни кузатиб юрди. Ниҳоят, улар шу ҳолда Наҳр ал-Маволий ариғи ёнидаги бир текисликка етиб бордилар. Наср ибн Аҳмад ўзининг 40 та *ҳожиб*¹⁴ ини кутиб олишга қўйган эди. Ҳар бир ҳожибнинг олдида кимхоб хафтанли ва сувсар мўйнасидан тикилган қалпоқли 1000 та

¹³ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.144.

¹⁴ саройда элчиларни қабул қилишга мутасадди мансабдор

турк ғуломлари турар эди, ҳар бир ҳожиб олдида яна 10 та қиличли ва олтин камарли ғуломлар турар эди, уларнинг қўлларида олтин суви югуртирилган ҳассалар бўлиб, улар худди олтиндан қилингандек эди¹⁵.

Улардан кейин Наср ибн Аҳмад 10 та йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи ҳожибини қўйган эди. Мазкур 10 та ҳожиблардан ҳар бирининг орасига 50 та йиртқич ҳайвонлар, яъни ҳар томонида 5 тадан йиртқич ҳайвон боғланган эди. Йўлак эса уларнинг орасидан ўтган эди. Ҳайвон ўргатувчи ҳожиблар қора терликлар билан турар эди. Ҳар 10 та йиртқич ва ҳар 10 та турган ҳожиб орасида 2 та ҳожиб курсиларда ўтирар эди. Йўлнинг ўнг томонида 100 та турк ғуломи, чап томонида ҳам 100 та турк ғуломи қиличлар ва олтин камарлар билан саф тортиб турар эдилар.

Кейин машойихлардан 100 та шайх ўнг томонда, 100 та шайх чап томонда турар эди, уларнинг ҳаммаси қора кийимда, қиличлар ва оқ кумушдан ясалган камарларда эдилар. Кейин ўнг томонда оқ кийимли 10 та шайх, чап томонда ҳам 10 та шайх турар эди.

Кейин жавоҳирлар билан безатилган олтин тахт кўринди, тож тахтнинг устига қўйилган эди. Амирнинг ўзи эса тахтнинг пастида ўртада машойихлар билан бирга ўтирган эди. Унинг устида қирғовул патидан қилинган гилам бўлиб, унинг усти қора ипак билан қопланган эди. Гиламнинг остида 2 та йиртқич ҳайвон ётган ҳолда бошларини чиқариб турар эди. У ерда икки ўргатувчи муаллим ҳам бўлиб, йиртқичларнинг иккаласи бошларини унинг оёғига қўйиб ётган эди. Амир турган гилам тагидаги турпоқ ҳам махсус тайёрлаган эди. У йиртқич ҳайвонларни ўргатувчиларга шундай буйруқ бердики, элчилар уларга етиб келганда, бир ишора қилсинларки, уларнинг орқасидаги йиртқичлар бундан ҳаракатланса.

Биринчи ҳожиблар келганда, ғуломларга жавоб берилди. Элчилар ҳожибга қараб, уни амир деб ўйладилар ва унга амир учун қилинадиган салом бердилар. У ўрнидан туриб, юзини ерга қўйди ва деди: “У амир

¹⁵ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳоф”. Қувайт, 1959. Б.145.

ҳазратларининг қулларидан биридир”. У элчиларни бошқа бир томонга олиб борди ва у ерда 40 та ҳожиб турган эди. Кейин элчилар йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи ҳожибларга етиб бордилар ва олтин бўйинбоғ ва олтин занжирга боғланган ҳайвонларни кўрдилар. Уларнинг ёнида ҳайвон ўргатувчилар турган эдилар¹⁶.

Элчиларнинг ақллари озай деди. Ҳожиблар уларни бу ердан олиб кетдилар. Ҳожиблар таржимонга дедилар: “Уларга айт, сизларга ҳеч хавф йўқ, улар ўргатилган ҳайвонлардир”. Элчилар биринчи ишора қилингунча юриб бордилар ва уларнинг руҳлари таналаридан чиқиб кетгандай бўлди. Улар ҳожиблар олдига етиб борганларида, ерни ўпиб, подшоҳга бергандек салом бердилар. Уларнинг ҳар бири эса бўйин эгиб, лабларини ва юзларини ерга суртдилар. Элчиларга дедилар: “Булар ҳазрати амир қулларининг итларидир”.

Ҳар бир саъй-ҳаракат Хитой элчиларини ҳаяжонга солди, улар катта аскарлар гуруҳи ва ваҳший ҳайвонлар орасидан ўтишга мажбур бўлдилар. Ҳарбий лашкарбошилар бирин-кетин кўринар эдилар, уларнинг жозибаси шундай эдики, улар гўё Амирнинг ўзи эди, улар йўлакдан ўтганда, уларнинг орқасидан ҳайвонлар ўқиришга ва увиллашга тушардилар. Бундан элчилар саросимага тушиб, ўзларини йўқотиб қўйдилар. Бундай вазиятда амирга уларнинг хабарларини етказиш ёки унинг жавобини олишга имкон йўқ эди, шунинг учун улар чекинишга мажбур бўлдилар. Улар элчилар учун ажратилган махсус қароргоҳда жойлаштирилдилар ва Амир билан расмий учрашувга фақат 40 кундан кейин журъат этдилар.

Элчилар Амирга хабарларини етказганларидан сўнг, Наср ибн Аҳмад Хитой императорига нафратга тўла жавоб юборди: ”Билгинки, эй болакай, мен сени ва сенинг хоҳишларингни кўрққаним, заифлигим ёки қўшинлар ва қурол-яроқларнинг талабга жавоб бермаслиги учун эътиборсиз қолдирмадим. Мен ўзимни тутишга ҳаракат қилдим, чунки олий ҳукмдор (яъни халифа)

¹⁶ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.146.

менга ҳаракат қилишимга буйруқ бермади, чунки менинг диним менга унинг буйруғисиз бирор ҳаракат бошлашга рухсат бермайди...” Шохона меҳмондўстликдан сўнг элчилар кетдилар, ва Амирнинг ерларидан юриш учун қўриқчи аскарлар зарур эмаслигига ҳайрон қолдилар. Ҳикоячининг охирги сўзи шу эдики, “буларнинг ҳаммаси Хитой императорининг мусулмон бўлишига сабаб бўлди”¹⁷.

* * *

Бу воқеанинг тарихийлиги ҳақида нима дея оламиз? Шуниси аниқ равшанки, бу маълумотларни шундай ҳолича қабул қилиш керак эмас. Осмон ўғиллари Тяншан ва Помир ортидаги ерларни узоқ йиллар давомида империяга тобе ерлар деб ҳисоблаганлари ҳақиқат, аммо арабларнинг Марказий Осиёда пайдо бўлиши ва Ислом давлатининг Евросиё даштларидаги кўчманчиларига қарши мустаҳкам мудофаа иншоотларини яратгани хитойларнинг режаларини пучга чиқарди. 133/751 йилда Зиёд ибн Солиҳ Талас яқинида юз берган ҳал қилувчи жангда Као-сиен-чи бошчилигидаги Хитой қўшинини мағлубиятга учратди. Лекин шунга қарамай қолган Ўрта Осиёнинг маҳаллий туркий, эфталий ва эроний ҳукмдорлари Хитой билан дипломатик алоқаларни сақлаб туришга ҳаракат қилдилар¹⁸. Амалда эса хитойликларни ғарбда тўхтатиб қолишнинг бошқа имконияти қолмаган эди. Шунингдек, 906 йилда Тан империяси тугатилгандан кейин “беш династия даври”да Шимолий Хитойдаги тартибсизликлар сабабли Хитой билан алоқа қилиш анча қийинлашган эди. Мазкур Хитой элчилигининг барбод бўлиши айнан шу даврда, яъни 327/939 йилда юз берган эди.

Сомонийларнинг ўша даврда қандайдир дипломатик алоқалари бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Сомонийларнинг обрўси ва нуфузи Наср ибн Аҳмад ҳукмронлик қилган даврда, айниқса, чўққига чиққан эди. Бунинг

¹⁷ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.147-148.

¹⁸ Қаранг: Н.А.Р. Gibb. The Arab conquests in Central Asia. London, 1923. 95-8.

хабари эса савдо йўллари орқали Узоқ Шарққа етиб борган. Шунинг учун хитойликлар алоқа ўрнатишга ҳаракат қилган. Лекин тобе бўлган хукмдорларга нисбатан қўпол муомала қилиш муваффақиятсизликка олиб келиши аниқ эди, бу ҳикояда ҳам худди шундай вазият тасвирланган.

Бизда Хитой императори ёки Хитой чегарасида яшаган бошқа бир хукмдор билан Наср ибн Аҳмад ўртасида дипломатик алоқалар бўлгани ҳақида яна бир далил бор. Араб сайёҳи ва ёзувчиси Абу Дулаф Мишъар ибн Муҳалхилнинг биринчи “Рисола”сида икки сулоланинг ўртасида қудандачилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида Хитой подшоҳи Қолин ибн Шахир томонидан Бухорога келган элчилик тасвирланган. Амир қизини ўзга диндаги одамга турмушга беришни рад этади, лекин ўзининг ўғилларидан бирини Хитой маликасига уйлантиришга рози бўлади. Элчилар Сандобил шаҳрига қайтиб кетадилар, Абу Дулаф эса Сомонийларнинг элчиларига шерик бўлиб боради. Сандобил шаҳри ғарбий уйғур хонларининг пойтахти Кан-су шаҳридир. У Сандобилда бир неча кун бўлиб, кейин Мовароуннаҳрга қайтади ва ўзи бўлган ерлардаги туркий халқлар ҳақида биринчи “Рисола”сини ёзади. Бу саёҳатнинг амалга оширилган тахминий вақти аниқланган. Абу Дулаф 331/943 йилдан биров олдин Бухорода бўлган. Биринчи “Рисола”нинг кўлёзмаси 1922 йилда Машҳадда А.З.Валидий Тўғон томонидан топилган. Унда ёзилишича, амир Наср Хитой маликасининг Мовароуннаҳрга етиб келишидан олдин (331/943 йилда) вафот этган. Кейин малика Насрнинг ўғли Нух (331/943– 343/954) га турмушга чиқади. Ибн аз-Зубайр асарида қайд этилган элчилик 327/939 йилда юз берган, уни юборган хукмдор эса Хитой императори деб кўрсатилган. Лекин бу икки элчиликнинг кўрсатилган вақти бир-бирига жуда яқин, Хитой чегараларидаги хукмдор саройи ҳам асл хитойларга тегишли бўлиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан Ибн аз-Зубайрнинг ҳикоясини тарихий ҳақиқатга яқин дейишга асос бўлади, яъни бу элчилик “Қолин ибн Шахир” томонидан келган, лекин кейинги асрларда унга айрим қўшимчалар киритилган.

Ҳикоя охирида келтирилган Хитой императорининг ислом динини қабул қилганлиги тўғрисидаги маълумотга келсак, буни Марказий Осиёда ва Хитой чегараларидаги туркий халқлардан бири орасида ислом динининг ёйилиши ҳақида аллақандай ноаниқ маълумот деб тахмин қилиш мумкин. Балки бу ерда Қорахонийлар сулоласи мансуб бўлган қарлуқлар орасига X асрнинг ўрталарида ислом динининг кириб бориши назарда тутилгандир¹⁹.

Ҳикояда келтирилган Сомонийларнинг ҳарбий кучларини тасвирловчи маълумот биз учун катта аҳамиятга эга. Элчиларнинг Бухорога қилган саёҳати давомида келтирилган топографик тафсилотларнинг аниқлиги бу ҳикояда келтирилган ҳарбий ташкилотнинг тавсифи ҳам ҳаққоний ёритилган деб ҳисоблашимизга асос бўла олади. Айниқса бу соҳада мавжуд бўлган билимларнинг жуда ҳам озлигини ҳисобга олсак, мазкур маълумотнинг илмий аҳамияти жуда катталиги шубҳасиздир.

Сомонийларнинг ҳарбий ташкилоти уларга замондош бўлган Аббосийлар, Бувайҳийлар ва Ғазнавийлар каби ҳукмдорларнинг қўшинларига нисбатан жуда кам ўрганилган²⁰. Маълумки, Сомонийлар ўзларининг маъмурий бошқарув тизими ва ҳарбий ташкилотини Аббосийлардан кўчирганлар. Сомонийлар қўшини жуда кучли ҳарбий ташкилот бўлиб, Ислом дунёсининг чегарасида жойлашган Фарғона, Талос ва Исфижоб вилоятларида олиб борилган ҳарбий тўқнашувларда, Шимолий Эронни назорат қилишда у ердаги исёнкор Дайламий ҳукмдорларга қарши олиб борилган урушларда, шунингдек, чераларда чўл кўчманчиларининг ҳужумларига қарши тўхтовсиз олиб борилган урушларда чиниққан армия эди. IX аср давомида Аббосийлар халифалигида тузилган қўшинлар сингари Сомонийлар армияси ҳам турк ғуломларидан ташкил топган бўлиб, улар амирларга жуда ҳам содиқ бўлганлар. Улар асосан турклардан иборат

¹⁹ Қаранг: Bosworth C.E. An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition to the Samanid Military History. The Medieval History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII. P.9

²⁰ Қаранг: R. Levy. The social structure of Islam. Cambridge, 1957. P. 407-57.

бўлганлар, чунки Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннахрнинг даштлардаги кўчманчи турклар билан олиб борган савдосида энг асосий молни қуллар ташкил этган. Қўшиндаги энг юксак лавозимларни ҳам турклар эгаллаганлар. Сомонийлар давлатида турк ҳарбийларининг нуфузи айниқса Х асрнинг иккинчи ярмида ғоят даражада кучайиб кетиб, Сомонийларнинг ҳокимияти ташқи душманларнинг ҳужумлари ва ички қуроли қўзғолонлар натижасида аста-секин қулай бошлаган эди. 301/914 йилнинг бошида турк ғуломларидан бўлган сарой соқчилари амир Наср ибн Аҳмаднинг отасини ўлдирадилар.

*Девон ал-Жайш*²¹ (Қўшин девони) нинг иш тартиби ҳақида бирмунча маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” (Илмлар калитлари) асарининг *китобат*²² қисмида Х асрда қўлланилган расмий атамаларнинг тўлиқ изоҳи келтирилган. Лекин бизда Сомонийлар қўшинининг жиҳоз-ускуналари, қурол-яроқлари ва кийимлари ҳақида маълумот хали жуда кам. Фақат Низом ал-Мулкнинг “Сиёсатнома” асарида Сомонийлар саройида турк ғуломларининг лавозимлари ҳақида баъзи маълумотлар келтирилган.

Демак, Ибн аз-Зубайрнинг асарида келтирилган бу ҳикоя катта илмий аҳамиятга эга. Ундаги маълумотлардан биз Сомонийлар қўшинида уларга қарашли ҳудудларнинг шимолий чегараларидаги турли шаҳарлар ва муҳим ерларда жойлашган ғозийлар ва кўнгилли аскарларнинг аҳамияти катта бўлгани ва бу ҳарбий кучларнинг ғайридинларга қарши тўхтовсиз жиҳод урушлари олиб борганлари ҳақида билиб оламиз. Ундан ташқари, амир соқчиларининг хизмат вақтидаги кийинишлари ва қурол-яроқлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Бу маълумотлар Ғазнавий ҳукмдорларнинг сарой ғуломлари ҳақида ёзма манбалардаги маълумотлар ва уларнинг Буст яқинидаги Лашкари Бозор саройининг деворий суратларидаги тасвирлар

²¹ Марказий бошқарув идорасининг ҳарбий ишлар билан шуғулланган бошқармаси

²² Асарнинг кириш қисми

орқали бизга маълум бўлган билимларни яна ҳам бойитади²³. Ибн аз-Зубайрнинг маълумотларидан биз Сомоний қўшинларининг шоҳона кийимлари, уларнинг олтин суви югуртирилган ва безатилган камарлари, қиличлари ва қуроллари ҳақида, шунингдек, бу анъаналар Ғазнавийлар даврида ҳам давом этгани ва уларда ҳам ҳарбий гуломлардан иборат шоҳнинг махсус қўриқчилари бўлгани, уларнинг жиҳозланиши ва кийимлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Элчилар юриб ўтган йўл бўйлаб сафда турган *саббаъун*²⁴лар ҳақидаги маълумот ҳикоянинг яна бир муҳим жиҳатларидан бўлиб, эҳтимол улардан одамларга таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин. Улар ҳақида маълумот Сомонийлар даврига оид бирорта ҳам адабий ёки тарихий манбаларда келтирилмаган, лекин бу анъана ҳам Ғазнавийлар даврида давом этгани бизга маълум. Ибн аз-Зубайрнинг асарида Маҳмуд Ғазнавий ҳузурига халифа ал-Қодир томонидан келган элчиларни тантанали қабул қилиш маросими тасвирланган бўлиб, унда ҳам тантанали саф тартиб турган йиртқич ҳайвонлар маросимнинг таркибий қисми сифатида қайд этилган.

Муаллифнинг мунтазам маошли аскарларга нисбатан *авлийо* атамасини қўллагани ҳам қизиқарлидир. Одатда бундай аскарларга нисбатан *муртазиқа* атамаси ишлатилади. Ибн аз-Зубайрга кўра, бу атама фақат Аббосийлар ва Бувайҳийлар даврида Бағдодда қўлланилган, лекин бошқа манбалардан бу атама Сомонийлар қўшинида ҳам қўлланилганлиги маълум. Ал-Хоразмийнинг ёзишича, Хоразмшоҳларнинг мунтазам қўшинлари *муртазиқа* деб аталган бўлиб, Хуросон девони, яъни Сомонийларнинг Хуросондаги бошқарув идораси, уларга бир йилда 3 марта маош тўлаб турган.

Ибн аз-Зубайрнинг *авлийо* атамасидан фойдалангани Бувайҳийларнинг анъанасидан ўзлаштирилган бўлса керак, чунки бу сўз бундай маънода бошқа ҳеч қайси ерда ишлатилмаган. Бунинг сабаби шуки, муаллиф ҳаётининг

²³ Қаранг: Bosworth С.Е. The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and eastern Iran 994-1040. P.104, 136.

²⁴ йиртқич ҳайвонлар назорат қилиб турган хизматчилар.

дастлабки босқичи Бувайхййлар билан боғлиқ бўлган. Бувайхййларнинг Хилол ас-Сабий ва Танухий каби муаллифлари ўзларининг асарларида амирнинг Дайламий қўшинларини ифодалаш учун доим *авлийо* атамасидан фойдаланганлар, чунки бу қўшинлар Бувайхййлар сулоласининг таянчи ва амирларнинг энг яқин (*авлийо*) одамлари бўлганлар²⁵.

²⁵ Қараңг: Bosworth C.E. An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition to the Samanid Military History. The Medieval History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII. 1-13.

1.2. Ғазнавийлар давлатида элчилик муносабатлари ва элчиларни қабул қилиш маросимлари

Тарихий адабиётларда X-XII асрларда Хуросон ҳудудларида ҳукмронлик қилган Ғазнавийлар давлати тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилади. Ғазнавийларнинг сиёсий нуфузи Собуктегин даврида (977-997) ортиб, сомонийлар томонидан эътироф этилгани, Маҳмуд Ғазнавий даврида (997-1030) эса унинг ҳудуди кенгайиб, Шарқнинг энг қудратли давлатларидан бирига айланган, давлат чегаралари ғарбда Рай ва Исфаҳон шаҳарлари, Каспий денгизи, шимоли ғарбда Хоразм ва Орал денгизигача чўзилганлиги ҳақидаги қайдлар шулар жумласидандир.

Ғазнавийлар давлат тузуми ва бошқарув тизимлари азалдан ривожланиб келаётган туркий давлатчилик асосида қурилган бўлса-да, бироқ у ўзига хос маҳкамачилик хусусиятига эга эди. Бош вазир тизимида ҳарбий, элчилик ва расмий тадбирлар, молия ва хабар-почта девонлар фаолият кўрсатган.

Бу даврда илм-фан ва маданият, хусусан, адабиёт ривожланган ва пойтахт саройида 400 дан ортиқ олим, шоир ва санъаткорлар ижод қилган. Айниқса, қурилиш ва меъморчиликка ҳам жиддий эътибор берилган. Ғазна, Балх, Нишопур, Лохур ва бошқа шаҳарларда кўплаб мадрасалар, масжид, хонақо ва саройлар бино қилиниб, кутубхоналар фаолият кўрсатган. Боғу чор-боғлар барпо этилиб, хусусан пойтахт Ғазна шаҳри гуллаб яшнаган. Бу каби тарихий маълумотлар кўплаб араб муаллифлари асарларида ўз аксини топган.

Шундай асарлардан бири Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асари бўлиб, унда Ғазнавийлар давлатида элчилик муносабатлари ва элчиларни қабул қилиш маросимлари тўғрисида қимматли тарихий маълумотлар ўрин олган.

Жумладан, асарнинг IV қисми Бағдоддан Аббосийлар сулоласига мансуб халифа ал-Қодир (381 – 991/422– 1031 йилларда ҳукм сурган) томонидан Ғазнага султон Маҳмуд ибн Сабуктегин Ғазнавий (388 – 998 /421– 1030 йилларда ҳукм сурган) ҳузурига юборилган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланган. Бу маълумотлар ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. Қуйида мазкур парчанинг таржимаси келтирилади:

“Абу-л-Аббос ат-Тусий айтган эди: ал-Қодир би-ллоҳ ... йилда мени Ғазнага Маҳмуд ибн Сабуктегин ҳузурига элчи қилиб юборган эди. Бу эса ал-Ғолиб би-ллоҳни халифаликда “валиаҳд” деб эълон қилиш билан боғлиқ эди.

Мен султон бўлган шаҳарга етиб келганимда, унинг кўп сонли аскарларини учратдим, уларнинг сони шунчалик кўп эдики, мен умримда бундай кўп аскарларни кўрмаганман. Уларнинг ҳаммаси энг яхши кийимларда ва тайёргарликда, энг мукаммал куроллар ва жиҳозлар билан таъминланган эди. Кейин мен шаҳарга кирдим, кўшин эса саф тортиб турди. Мен филларнинг катта гуруҳи олдига келдим, улар эса, айтишларига кўра, 3 минг ҳинд ғуломлари қуршовида эдилар. Кейин мен уларнинг ёнидан ўтдим ва шахмат доналари шаклида тизилган жиҳозланган ва куролланган ёш турк ғуломларининг катта гуруҳини кўрдим. Менга айтишдики, уларнинг сони бир неча ўн минг эди²⁶.

Мен қаср дарвозасига етганимда унинг икки табақаси олдида бу ҳайвон турларининг энг йириги бўлган иккита катта аждарни учратдим, улар темир занжирларга боғланган эди. Мен ичкарига кирдим ва икки томони ёвойи ҳайвонларга тўла даҳлизларни кўрдим, улар бир-бирига қарама-қарши қўйилган ва занжирларга боғланган эди. Мен уларнинг орасидан ўтиб, кейин боғловсиз қоплонларни кўрдим. Кейин уларнинг орасидан ўтиб, жуда кўп боғловсиз йўлбарсларни кўрдим. Кейин мен султон Маҳмуд ҳузурига етиб

²⁶ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.151.

бориб, уни жуда ҳашаматли ва шоҳона безатилган улкан қабулхонада жуда ҳам чиройли кўринишда учратдим. У тахтда ўтирарди, мамлакатнинг давлат арбоблари эса унинг олдида энг чиройли ва шоҳона кийимларда икки қатор бўлиб турган эди.

Мен унинг қўлига ал-Қодир би-ллоҳнинг хатини тутқаздим. Кейин у эълонни ўқиб эшиттирадиган махсус ерга бориш учун турди ва менга ўзи билан юришни буюрди. Унинг оти қабулхона эшигининг олдида келтирилди ва у отга минди. У ёввойи ҳайвонлар орасига келганда, уларнинг ҳаммаси ўкириб ва юзларини ерга ишқалаб, бу билан унга таъзим қилишларини билдирдилар. Икки аждар ҳам безовталанди, аскарлар бақирдилар, филлар тиз чўкдилар, отлар кишнадилар. У юриб ўтди, мен ҳам у билан эдим. Қўшин иккига бўлиниб, бири унинг олдида, иккинчиси эса орқасидан юриб кузатиб борди. У билан қўшинларнинг ҳар бири орасидаги масофа камон ўқи учиб ўтадиган масофадан кўпроқ эди. У сарой аъёнларидан алоҳида кетар эди, унга фақат мен ҳамроҳ эдим²⁷.

Султон йўлнинг бир қисмини босиб ўтганда, бир аёл ундан ёрдам беришни сўраб тўхтатди. Султон унга тўхтади ва аҳволи ҳақида сўради. Аёл ўзини унинг раиятидан бўлган бир ҳалол одамнинг қизи эканлигини айтди. У бир иш билан ташқарига чиққанда, султон давлатининг амалдорларидан бири унга тўсқинлик қилади, ва унга зўравонлик қилиб, фоҳишаликка зўрлайди. Султон бу одамнинг ҳоли ҳақида сўрайди ва уни ўзининг ҳузурига чақиртириб, аёл айтган гаплар ҳақида сўрайди, ва у бу гапларнинг тўғрилигини тан олади. Демак, у зино содир этган эди. Султон уни тошбўрон қилишни ва сўнг куйдиришни таклиф қилади. Бу иш биров тўхтаб туради, кейин у одам тошбўрон қилинади ва куйдирилади. Кейин султон айбдорнинг эгалик қилган мол-мулкини сотишни ва унинг қилган жинояти учун ҳақ

²⁷ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-тухаф”. Кувайт, 1959. Б.152.

сифатида аёлга берилишини таклиф қилади. Буларнинг ҳаммаси амалга ошгандан сўнг, у йўлида давом этади”²⁸.

XI аср араб тарихчиси Ибн аз-Зубайр келтирган бу маълумот ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда учун муҳим аҳамиятга эгадир. *Маҳмуд ибн Сабук-тегин ал-Ғазнавий*²⁹ амалда қудратли ва мустақил ҳукмдор бўлгани билан Аббосийлар сулоласига мансуб Бағдод халифалари билан ўзаро муносабатларни сақлаш ва давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Чунки Аббосийларнинг сунна мазҳабига мансублиги шу мазҳабдаги Ғазнавийларга Араб халифалигининг шарқий қисмида, яъни ғарбда Бувайҳийлар, шимолда эса Қорахонийлар устидан ҳукмронлик ўрнатишга имкон бериши мумкин эди. Аббосийлар ҳам ўз навбатида Ғазнавийларнинг мададига муҳтож эдилар, чунки Ғазнавийлар Ҳиндистонда эришган ғалабалари туфайли ислом дунёсида шуҳрат қозонган эдилар, бу эса Аббосийларнинг Бувайҳийларга қарши олиб борган курашида хизмат қилиши мумкин эди³⁰.

Бошқа манбаларда халифа ал-Қодир би-ллоҳнинг катта ўғли ал-Ғолиб би-ллоҳни тахт вориси деб тантанали эълон қилинган вақт 391/1001 йил деб кўрсатилган. Шу йилда ал-Қодир Хуросоннинг билимли ва тақводор аъёнлари, шунингдек Бағдоддан ўтувчи Хуросон ва Шарқнинг ҳаж зиёратчиларидан ўзининг 8 ёшли ўғли Абу-л-Фадл Муҳаммадга *ал-бай‘а*³¹ олган эди. Бунинг сабаби шу эдики, Хуросонда Абдуллоҳ ибн Усмон ал-Восиқий исмли бир шахс ўзини халифа ал-Восиқ би-ллоҳ (227 – 842/232 – 847 йилларда ҳукм сурган) нинг авлоди деб эълон қилган ва қўшин йиғиб, у билан Бағдодга юриш қилмоқчи ва ал-Қодирни тахтдан ағдармоқчи бўлган эди. Лекин Маҳмуд Ғазнавий уни қамокқа олди ва у қамокда ўлди. Кейин Маҳмуд ал-Ғолибни жумъа намозларида мадҳ этишга ва тангаларда исмини зикр этишга рози бўлди. 18 йилдан кейин халифа ал-Ғолиб вафот этди ва

²⁸ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳоф”. Қувайт, 1959. Б.153.

²⁹ 388 – 998/ 421– 1030 йилларда ҳукм сурган Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори

³⁰ Қаранг: Bosworth С.Е. The imperial policy of the early Ghaznavids. Karachi, 1962. P. 49-82. M.Nazim, The life and times of Sultan Mahmud of Ghazna, (Cambridge 1931), 160-1, 164-5

³¹ Содиқлик тўғрисида қасамёд

унинг ўрнига унинг Абу Жаъфар Абдуллоҳ исмли ўғли ал-Қо'им би-амриллоҳ (422–1031/467–1075 йилларда ҳукм сурган) тахаллуси билан тахтга ўтирди³².

Шундай қилиб, ”Китаб аз-захоир ва-т-туҳаф” да тасвирланган ташриф 391/1001 йилда ёки ундан биров кейинроқ амалга оширилган ва халифа ал-Қодирнинг ўғли ал-Ғолибнинг султон Маҳмуд Ғазнавий томонидан халифаликда валиаҳд сифатида расмий тан олиниши акс этган. Афсуски, кўлёзмада бу ташрифнинг аниқ кўрсатилган йили ва куни ёзилиши керак бўлган ер бўш қолган. Бошқа тарихий манбаларда эса бу ташриф ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган.

Бу воқеадан тахминан 30 йилдан кейин, яъни 422/1031 йилда, тахтга келган янги халифа ал-Қо'им би-амри-ллоҳ ўзининг халифа сифатида тан олинишини тасдиқлаш мақсадида Ғазнага султон Масъуд ибн Маҳмуд ҳузурига элчи юборганлиги маълум. Бу сафар элчи бўлиб келган шахснинг исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сулаймоний ат-Тусий эди. Султон Масъуд Ғазнавий элчини қабул маросимида ўзининг бутун куч-қудратини намоён этиб, уни лол қолдиришга ҳаракат қилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, Бағдоддан Ғазнага турли вақтда юборилган иккала элчининг нисбаси ат-Тусий бўлган. Бу иккала ҳолда Аббосийларнинг дипломатик хизматида бўлган бир шахс ёки ота ва ўғил ҳақида сўз юритилганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ибн аз-Зубайр асарида султон Маҳмуд Ғазнавий саройининг тасвирланиши, ҳинд аскарларининг катта тўдаси, саройнинг шоҳона жиҳозланган ва қуролланган турк қўриқчилари, султон томонидан элчини қабул қилиш маросимининг дабдабалилиги ва тартиби – буларнинг ҳаммаси Ғазнавийлар саройидаги шоҳона ҳаёт ва илк Ғазнавийлар давридаги маданий анъаналарнинг нақадар юксак бўлганлиги ҳақидаги мавжуд тасаввурларга

³² Қаранг: Utbi-Manini “at-Ta’rikh al-Yamini” (Cairo 1268/1869), II, 110-112 Ibn al-Athir, al-Kamil, ed. Tornberg, IX, 117-8

тўла мос келади. Абу-л-Фазл Байҳақийнинг “Тарих-и Масъудий” (“Масъуд тарихи”) асарида Ғазнага турли мамлакатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросимлари, қаср ғуломларининг кийинишлари ва жиҳозлари, махсус ва режали қилиб қурилган шоҳона қабулхоналар, подшоҳ саройи ичидаги хоналар яхши тасвирланган. Бу маълумотларнинг ҳаммаси Афғонистондаги Лашкар-и Бозор ва Буст харобаларида француз археологик экспедицияси ва Ғазнада италиян археологик экспедицияси олиб борган қазиш ишлари давомида тўла тасдиқланди.

Масалан, Байҳақий султон Масъуд томонидан 422 ҳижрий йилнинг муҳаррам ойи (1031 йил 19 декабрь ойи) да халифа юборган элчини Балх шаҳридаги Абд ал-Аъло саройида қабул қилиш маросимини тасвирлайди. Қуйида бу маросимнинг тўлиқ баёнини келтирамиз.

Шоҳ Масъуд ғуломлар ва мартабадорларни йиғиш ва улар элчини кутиб олишда иштирок этишлари кераклигини айтди. Катта ҳожиб, ғуломлар бошлиғи, ариз ва давлат девонхонаси бошлиғини чақирди ва ушбу топшириқларни берди.

Абу Наср Мишкан элчилик хизмати ходими Абу Алига белгилан одат бўйича шоҳ топшириғини берди. Халифанинг мактубини олиб келдилар ва у билан танишдилар. Бу мактубда қайғу ва хурсандчилик ҳақида ёзилган эди.

422 йил муҳаррам ойининг биринчи куни пайшанба куни эди. Барча нарса олдиндан тайёрлаб бўлинган эди³³.

Тонг отганда, 4000 та ғулом амир саройининг иккала томонида бир неча қатор бўлиб тизилдилар. Ғуломларнинг 2000 таси икки шоҳли салла, 10 таси илмоқли қимматбаҳо белбоғда, ҳар бирида кумуш гурзи, қолган 2000 та ғулом 4 патли мўйна салла, белига боғланган белбоғ, белбоғ ёнида қилич, ўқдон, камон бор бўлиб, шунингдек ҳар бир ғуломнинг қўлида камон ва учта ўқ бор эди, барча ғуломлар шуштар ипакидан тикилган чакмон кийган эди.

³³ Қаранг: Абул-Фазл Байҳақи. История Мас'уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.1969. С.380.

300 та ғулом – тан соқчилар, амирнинг яқинида сўфий томонида турган эди, улар янада қимматроқ кийимларда, бошларида салла, олтин гурзи ва олтин белбоғларда эдилар. Ҳатто уларнинг бир нечтаси ўз-ўзидан товланувчи тошлар билан безатилган белбоғларда эдилар. Барча сарой аъёнлари, вилоятлар ҳукмдорлари ва ҳожиблар икки шохли салла ва олтин белбоғларда эдилар. Саройдан ташқарида мартабадорлар бир қанча филларни ушлаб турган эдилар. Қўшин қуроллари билан, филлар эса қурол-яроғ, турли хил рангдаги ипакдан тикилган ёпинчиқ, гулдор чойшаб ва зирх билан ясатилган бўлиб, элчини ўртадан ўтказиб юбориш учун бир-бирларига қарама-қарши икки тарафда тизилиб турган эди. Элчилик хизмати ходими отга миниб, халқ билан бориб элчини олиб келди.

Бурғулар, дўмбиралар, “фил суягидан ясалган қадахлар”нинг овози осмонни шундай ларзага солдики, худди қиёмат бошлангандек бўлди. Элчини шундай кўркамлиқ билан кузатиб бордилар. Элчи умрида кўрмаган нарсаларни кўрди. Ҳайратланган ҳолда у кўшкка кирди.

Амир бу пайтда супадаги тахтда ўтирар эди. Халифа элчиси саломлашди. Элчи қора кийинганди. Унга Ҳасаннинг ўғли хожа Аҳмад жавоб берди. Ундан ташқари, бошқа ҳеч ким амир олдида ўтирмаган эди, қолганларнинг барчаси тик турар эдилар. Ҳожиб Абу Наср элчини қўлидан ушлаб ўтиришга таклиф қилди. Амир халифа тўғрисида сўради. Элчи халифа вафот этганлигини айтди³⁴.

Буюк хожа араб тилида элчидан халифанинг мактубини топширишни сўради. Элчи ўрнидан туриб, қора ипакка ўралган мактубни тахт яқинига олиб келди, амирга берди ва ортга қайтди. Амир Абу Насрни чақирди, у тахт яқинига келди, мактубни олди ва ортга биров юриб, тахтга қараб юзланди. Кейин у мактубни очди ва ўқиди. У мактубни ўқиб тугатгач, амир барчага тушунарли бўлиши учун мактубни форс тилига таржима қилишни буюрди.

³⁴ Қаранг: Абул-Фазл Байхаки. История Мас'уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.:1969. С.381.

Сўнгра элчини кузатиб қўйдилар ва амир халифани хотирлаш маросимига тайёргарлик кўрди.

Кейинги кун, амир қабул маросимини очганда, унинг салла ва чакмони оқ рангда эди, барча қариндошлар, мулозимлар ва ҳожиблар оқ рангда кийинган эдилар. Кейин элчини олиб кирдилар.

Бозорларни ёпиб қўйдилар, шаҳарда яшовчилар ва раиятнинг барча тоифалари келдилар. Бу 3 кун давом этди. 3 кундан сўнг одамлар бозорга қайтдилар, девонлар ўз эшикларини очдилар, дўмбира ва доираларни чалдилар.

Амир хожа Алини чақирди ва саройдан масжидгача бўлган барча жойни безатишни, жума куни масжидга бориб халифа номига хутба ўқилишини ташкил қилиш лозимлигини буюрди

Элчиларнинг кетиш вақти келганда Абу Наср амирга элчига тўн кийдириши кераклигини айтди. Шунда амир халифага нимани совға қилиб жўнатиш лозимлигини сўради. Аҳмад шахсан халифа учун 20 минг ман индиго, сарой мулозимлари учун 5 минг ман индиго, шунингдек хутба ўқиш кунида берилгани каби бироз пул, ҳукмдорлар учун кийим, ярқироқ тошлар ва хушбўй атирларни юбориш лозимлигини айтди.

Шунда Амир мулозимларининг маслаҳатига кулоқ солиб, халифага нималар бериш кераклигини санай бошлади. Хожа уларни ёзишни бошлади: 100 тўп газлама, барчаси қимматбаҳо, шундан ўнтаси тилла билан қопланган, 50 қоп мушк, 100 дона ўткир ҳидли модда (камфара), 200 дона майин матодан салла, 50 та қимматбаҳо ҳинд қиличи, дур тўлдирилган 1000 мисқол оғирликдаги олтин қадах, 10 та зумрад, 20 та бадахшон лаъли, 10 та хутталон зотдор отлари ёпинчиқлари билан ва 5 та қиммат турк ғуломлари. Амир шуларнинг барчасини тайёрлашни буюрди³⁵.

³⁵ Қаранг: Абул-Фазл Байхаки. История Мас'уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.:1969. С.387.

Бундан шуни кўриш мумкинки, аз-Зубайр келтирган маълумотлар, яъни элчиларни қабул қилишда алоҳида тайёргарлик кўрилганлиги ва саройни безатиш бу шунчаки бадиий тўқима эмас, балки ҳақиқатга асосланган қимматли тарихий маълумотдир.

Ибн аз-Зубайр булардан ташқари элчининг қаср олдида кўп сонли турк ғуломларини кўргани ҳақида маълумот берган. Аббосийлар хизматида ҳам худди шундай ғуломлардан иборат кўрикчилик хизмати бўлган. Халифа ал-Муътадид (279/892– 289/902 йилларда ҳукм сурган) даврида бундай хизмат “*ал-ҳужарийя*” деб аталган бўлиб, уларга саройдаги султон ва унинг яқинлари турган хоналарни кўриқлаш вазифаси юклатилган.

Ибн аз-Зубайрнинг сарой дарвозасини кўриқлаб турган аждарлар ва ташқи ҳовлида ёввойи ҳайвонларнинг сақланиши ҳақидаги маълумоти элчининг хаёлий бир тасаввури бўлса керак. Лекин бу маълумот асосида маълум даражадаги ҳақиқат ётган бўлиши ҳам мумкин.

Султон саройида расмий маросимлар ўтказиладиганда, ҳар доим филлар иштирок этган. Бундан ташқари, бошқа ёввойи ҳайвонлар ҳам бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас, чунки султонлар овга чиққанларида қоплон ва йўлбарсдан кўп фойдаланганлар. 427/1035 йилда султон Масъудга унинг куёви бўлган Чағониён ҳукмдори томонидан берилган совғалар орасида қоплонлар ҳам бор эди³⁶.

Ибн аз-Зубайрнинг асаридаги ғазабланган аёл муаммосининг султон Маҳмуд томонидан ҳал этилиши ҳақидаги лавҳа Сабуктегин ва Маҳмуднинг оқиллиги ва адолатлилиги ҳақида кўплаб айтилган ҳикояларни эслатади. Бундай ҳикоялар Кайковуснинг “Қобуснома”, Низом ал-Мулкнинг “Сиёсатнома”, Авфийнинг “Жавомиъ ал-ҳикоят” ва бошқа асарларда келтирилган. Лекин Ибн аз-Зубайр келтирган ҳикоя илк бор ёзилганлардан

³⁶ Bosworth C.E. An Embassy to Mahmud of Ghazna Recorded in Qadi Ibn az-Zubayr's Kitab adh-dhakha'ir wa't tuhaf. London. P.12.

бири бўлса керак, чунки унда тасдиқланиши мумкин бўлмаган бир нечта маълумотлар бор.

Ибн аз-Зубайр келтирилган ва бошқа тарихий манбаларда қайд этилмаган султон Маҳмуд ҳузурига келган бу элчининг ташрифи ҳақидаги маълумотни асосли равишда ҳақиқатда юз берган тарихий воқеа деб айтишимиз мумкин. Ибн аз-Зубайр ўз асарини ёзган вақтда, у тасвирлаган воқеадан кейин энди 60 йил ёки ундан биров кўпроқ вақт ўтган эди. У ўз асарини узоқ Мисрда ёзгани учун ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги маълумот унга ғаройиб туюлган бўлиши мумкин. Ундан ташқари, унда Ҳиндистон ва унинг атрофларидаги мамлакатларга қизиқиш катта бўлган. Ибн аз-Зубайрнинг асарида мазкур элчи ташрифидан бошқа Ғазнавийлар тарихига оид яна бир маълумот келтирилган бўлиб, унда 407/1016-17 йилда Ҳиндистондаги Матхура (Муттра) ибодатхонасидан олиб кетилган лаъл тошларидан ясалган бебаҳо тошойна ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ибодахонадан ўлжа сифатида олиб кетилган қимматбаҳо нарсалар ҳақида ал-Утбийнинг “Тарих-и Йаминий” асарида батафсил маълумотлар келтирилган³⁷.

Шундай қилиб, Ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асарида ўзбек давлатчилиги тарихига оид муҳим маълумотлар келтирилган ва бу асар халқимиз тарихи бўйича муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

³⁷ Nazim N., The life and times of Sultan Mahmud of Ghazna. Cambridge, 1931. P. 107-8

II БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ДАВРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. Халифаликда никоҳ ва хатна маросимларининг тасвири

Араб халифалиги тарихда ўз даврининг жуда қудратли давлатлардан бири эди. VII асрда Арабистон ярим оролида ташкил топган Араб халифалиги қисқа вақт мобайнида жуда катта ҳудудларни эгаллаб олди. Уммавийлар(661-750) ва Аббосийлар (750-1258) даврида Фаластин, Сурия, Миср ва Ливияни, Эрон, Мовароуннаҳр ва Хуросон бирлаштирилиб, ягона давлат барпо этилди. Халифаликнинг барча ҳудудлари ислом дини кенг тарқалиб, араб тилининг ўрни ва аҳамият ошганлиги боис уни ўрганишга бўлган интилиш кучайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Араб халифалиги тарихда нафақат кўп ҳудудларни босиб олганлиги билан, балки ўз маданияти, урф-одати, маросимларни нишонлаш тартиби ҳамда ўзига хос кийиниш маданияти билан чуқур из қолдирган.

Араблар ўзлари босиб олган халқлар маданиятини ўзларида сингдириб, янада юксакроқ маданиятнинг яратилишига шароит яратдилар.

Араблар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда жамият ҳаётининг барча соҳалари муҳим ўзгаришлар бўлиб, биргина маданият соҳасида эришилган ютуқлар ўрта асрлар Уйғониш даври сифатида таърифланади.

Шу билан бир қаторда Араб халифалигида ислом маданиятига хос урф-одатлар ва маросимлар амал қилган. Хусусан, дунёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли равишда никоҳ ва хатна маросимларини ўтказиш, никоҳланаётган шахс учун қалин пули тўлаш ва бошқа шу кабилар ислом

маданияти таъсири остида бўлган мамлакатларда ўзига хос урф-одатлар, тартиб қоидалар шаклланганлигидан далолат беради.

“Китоб аз-Заҳоир ва-т-туҳаф” асарининг муаллифи Қози ибн аз-Зубайр ҳам бевосита халифаликнинг айнан мана шу жиҳатларини ёритган. Асарда асосан никоҳ ва хатна маросимлари халифаликда қай тартибда нишонланганлиги, унда қанча миқдорда қалин берилганлиги ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтган. Масалан, у (Ҳорун) ар-Рашид Жаъфар ибн Абу Жаъфар ал-Мансурнинг қизи Зубайда умму Жаъфар билан Бағдоддаги барчага машҳур қасрда 165 йилда никоҳдан ўтганлиги ҳақидаги тўй маросимни бундай тасвирлайди:

Ҳоруннинг отаси ал-Маҳдий³⁸ Ҳорунни Зубайдага унаштирди. Зубайда Ҳорун ар-Рашиднинг амакисининг қизи эди. Ҳорун Зубайдага совға тариқасида аёллар учун зарурий турли-туман анжомлар, ҳар хил навдаги жавоҳирлар, қимматбаҳо ашёлар, гулчамбарли тожлар, олтин ва кумуш идишлар, хушбўй атирлар, шоҳона кийимликлар, қиличлар ва хизматкорларни ҳозирлади. Абдуллоҳ ибн Муовиянинг қизи Ҳишом ибн Абдулмалик³⁹нинг хотини ‘Абда у(Ҳорун)нга бир чиройли сарпо⁴⁰ни тақдим айлади. Ислом оламида у каби чиройли сарпога ҳеч бир зот гувоҳ бўлмаган. Унинг қиймати қанчалик улуғворлигини тасаввур қилиш қийин. Бели ва кўкрагида катта қизил ёкут, бўйнида эса мислсиз улкан дур бор эди. Одамлар уфқ чегарасига қадар тўпландилар. Одамларга хазинадан динорлар, хушбуй мушк-анбарлар, кичик шиша идишчалардаги қимматбаҳо атирлардан тарқатилди. Шунингдек, тилла иплар билан тикилган кийимлар одамларга инъом этилди. Ўша тунда уларнинг қўлларида қимматбаҳо шамлар ёнди. Бани Ҳошимнинг барча аёллари яйради. Уларнинг ҳар бирига ҳамёнлари тўла динорлар ва дирҳамлар, катта кумуш лаганлар, қимматбаҳо яктаклар

³⁸ Халифа ал-Маҳдий (775—785) - Ҳорун ар-Рашиднинг отаси.

³⁹ Ҳишом ибн Абдулмалик – Уммавийларнинг тўққизинчи халифаси (724 – 743)

⁴⁰ Арабча матнда бу сўз бадана тун тарзида берилган бўлиб, Маккада мол ёки туяни қурбонлик келтириш одатига айтилади.

инъом этилди. Бу тантанага давлат хазинасидан беш минг динар сарфланди. Айтишларича, келинни аббосийлардан бўлган Муҳаммад ибн Сулаймоннинг хонадонига киритганлар. Сарпо ҳам ўша жойга келтирилди. У илгари Бани Умайянинг зафарли юришлари вақтида Абдуллоҳ ибн Алига, кейин Бани Аббосга, кейин Бани Тохирга тегишли бўлганлигини айтиб ўтади.

Аз-Зубайр мана шундай ҳикоялардан яна бирини қуйидагича тасвирлайди: унинг маълумотига кўра, ал-Маъмун 210 йилда ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг қизи Беврон исми билан танилган Хадичага унаштирилганда ўттиз саккиз миллион⁴¹ дирҳам сарфланган. Кунларнинг бирида ўттиз олти мингта денгизчидан иборат бўлган кемалар гуруҳи йўлга тушган ва ал-Маъмун қизнинг отасига ўн миллионча дирҳам келтирган, қайнатаси эса миллион динар олиб келтирди. У миллион динарни қўмондон Маъмун ва унинг хизматчиларига бўлашиб берди. Айтишларича, ундан шоиру маддоҳларга ҳам улуш теккан. Уларга теккан улуш саксон минг динарга етган. Ал-Ҳасан ибн Саҳл катта зиёфат уюштирди, бу зиёфат қирқ миллион дирҳамга тушганлиги. Бошқа бирларнинг айтишича, у тўрт миллионча динарга тушганлигини келтириб ўтади.

Муҳаммад ибн Довуд эса ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг қўмондон Маъмун ва унинг хизматчиларига сарфлаган ҳаражати эллик миллион дирҳамга етган, бу ал-Ҳасан ибн Саҳлнинг қизи Бевронга берилган ўттиз етти минглик сепдан ташқари ҳисоблаганда деган маълумотни келтирган. Беврон Маъмуннинг ҳузурига келди, унга атаб олтин суви юритилган тўшак ёздирди. Бевроннинг бувиси катта дурлар билан тўлдирилган олтин саватчани олиб келди ҳамда бу ер(келин хонадони)га келган аёлларга тарқатиб берди. Улар орасида Умму Жаъфар Зубайда Рашиднинг қизи Ҳамдуна ва бошқалар бор эди. Уларга ҳам дурлардан берилди. Маъмун уни никоҳига олган куни унга тилла лаганда

⁴¹ Арабча матнда бу сўз минг минг тарзида келтирилган. Мингни мингга кўпайтирилса, миллион ҳосил бўлади.

минг дона дур келтирдирди. Ўша тунда ал-Маъмун оғирлиги қирқ манн⁴² чоғли хушбўй ҳидли шамни ёқдирди. Ўша тунда унинг қўлида мавжуд бўлган мулкларнинг ҳар бири: от-уловлар, ерлар, қуллар, дурлар, динорлар, дирҳамлардан улашиб берди. Ўша базмга йиғилганлардан ким нимани олган бўлса, ўша олгани ўзида қолди. Ал-Ҳасан эса ўша куни хушбўй анбарлардан тарқатди, ал-Ҳасанда ҳаммаси ёшига тўлган қирқта юк ташувчи туя борлигини ва уларни ҳозир бўлганларга бўлиб бердиганлиги тўғрисидаги маълумот билан ҳикояни якунлайди.

.Худди шу каби халифаликдаги никоҳ маросимлар ҳамда қалин олиш масалалари тарихчилар Ас-Саби “Русум дар ал-халифа” ҳамда Байҳақийнинг “Тарихи Масъудий” асарида ҳам келтириб ўтилган.

Тарихчи ас-Сабининг Русум дар ал-халифа” асарида ат-Таъиъ ли-лах ҳамда Адуд ад-Дауланнинг қизи ўртасидаги никоҳ шартномаси тузиш пайтида Ал-Мухассин ибн Али ат-Танухи уларга бахт-саодат ҳамда Оллоҳнинг камолини тилаб нутқ сўзлагани ҳамда куёв томон келин учун бўлган 100 минг қадимги динор миқдорида тоза олтин қалин тўланганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдирган⁴³.

Тарихчи Байҳақий эса ўз асарида Қодирхоннинг қизларидан бири амир Муҳаммадга унаштирилганда никоҳ шартномаси тузилади.

⁴²Манн — 1) қадимги оғирлик ўлчов бирлиги; қиймати Хоразмда XV асргача 1 манн 3 қадок, яъни 1,255 кг, XVII асрда 10 ва 12 қадокка тенг бўлган. XIX аср ўрталаридан асосан, 1 манн=48 қадок =480,409512 кг =19,657 кг булган. Бухорода 1671 йилда 1 манн=5120 мисқол=25,6 кг бўлган (1 мисқол = 5г). Бухоро «катта оғирлиги»да 1 манн = 25600 мисқол =128 кг. 1723 йил маълумотларига кўра, Қаршида 1 манн =10 қадок = 4,095 кг, Самарқандда 1 манн = 20 кг га тенг бўлган. Тошкентда манн ўрнида кўпроқ ботмон ишлатилган: 1 Тошкент ботмони, асосан, 10,5 пуд=171,995 кг бўлган. Ҳиндистонда XIV асрда 1 манн=12,832 кг, Бобурийлар даврида манннинг бир неча турлари бўлган. Шулардан Акбарий манни 25,156 кг га тенг бўлган; 2) қадимги юза ўлчов бирлиги, мамлакатимизда экин майдонларини ўлчашда қўлланилган; қийматлари ҳам ҳар хил. Амалда «катта оғирлик манн» гуруҳи ер майдонини ўлчашда кўпроқ қўлланилган. Тўппи маннидаги (бошқача номи — мани таки) доннинг оғирлиги 4,32 кг бўлган (XIV а; Бухоро). Демак, тўппи манни 4,32 кг дон экилган майдонни ифодалаган. Катта оғирлик манни Самарқандда (XV—XVI асрлар.) 20 кг га, Бухорода (XIX аср) 1 манн=2 таноб бўлган. Хоразмда эса 1 таноб ерга 5 ботмон бугдой (1 ботмон = 20 кг) экилган. Оғирлик ўлчови манннинг қийматлари ҳар хил бўлгани учун уларга мос келадиган майдонлар ҳам ҳар хил бўлган.

⁴³ Қаранг: Хилал Ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов. (Русум дар ал-халифа). Перевод с арабского предисловие и примечания И.Б.Михайловой. М.1983.С. 94.

Унаштирилганларнинг маҳри сифатида 50.000 ҳирот динари, ўғлига аталгани – 35.000 ҳирот динари миқдорида олинганлигини келтириб ўтади⁴⁴. (275-бет)

Халифаликда мавжуд никоҳ маросимлари ва қалин масалалари ҳақидаги маълумотларнинг тарихчи аз-Зубайр асарида келтирилиши янги бир саҳифаларининг очилишига имкон берди, бундан ташқари, келтирилган воқеаларнинг теран ва аниқ ёритилганлиги тарихий воқеалар баёнини ёритиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Тарихчи аз-Зубайр асарида никоҳ маросимларидан ташқари хатна қилиш маросимларининг бир нечтасини келтириб ўтади. Унинг маълумотига қараганда, Ал-Муътаз ўғли Абу Абдуллоҳни хатна қилган ва Фатҳ ибн Хоқонга тайёргарлик кўриб туришни буюрган. Сўнгра хазинадаги шоҳона гиламларни қасрнинг бўйлаб ёйиб чиқишни айтган. Қаср юзасининг бўйи юз *зиро*⁴⁵, эни эллик зиро эди. Қасрнинг бўйи ва энига Бани Умайянинг хазинаси, Ҳишом ибн Абдулмаликнинг мол-давлати кифоя қилди. Улар орасида бир гилам бор бўлиб, унинг астари тилла суви югуртирилган ипак матодан тикилган эди. Ал-Мутаваккил ёқтириб қолди ҳамда унинг баҳосини билишни хоҳлади. Ал-Мутаваккилнинг олдига тижоратчиларни олиб келди. Улар бу гиламнинг ҳозирги замонга хос эмас, балки қадимги эканлигини айтдилар. Унинг баҳосини ўн минг динар деб белгиладилар. Уни халифа ўтирадиган қасрнинг марказидаги ўриндиққа ёнига ёзди. Тантанага ташриф буюрган аксарият кишиларга жавҳарлар, мушк-анбарлар ва гўзал ашёларнинг барчасидан тарқатилди. Уларнинг орасидан жавҳар алоҳида ажралиб турарди. Алоҳида тўшак тўшалган жойга Ал-Мутаваккил ўтирди. Кейин қолган барча одамлар ўтирдилар. Бу ерга келган амирлар, саркардалар, юқори мартабали кишилар ўз даражаларига қараб ўрин эгалладилар. Уларнинг қўлларига ҳар хил навли жавҳарлар билан тўлдирилган идишлар берилди. Уларнинг идишлари ичида халтачалар бор эди. Кейин хизматкорлар

⁴⁴ Қаранг: Абу л-Фазл Байхаки. История Мас'уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.1969. С.296.

⁴⁵ Зиро – узунлик ўлчов бирлиги, 0,66 метр.

келиб, ўша халтачаларга ярми динар, ярми дирҳамдан қилиб идишларни тўлғаздилар. Халифа одамларга ёппасига ичишни таклиф қилди. Ҳамма ичди. Барча шод-хуррам бўлди. Бир хизматкор ўтирганлар ҳузурига келиб деди: Амир ал-мўъминин айтаяптики, ҳар ким хоҳлаганини олаверсин. Одамлар бу ерга сочиб ташланган қимматбаҳо моллардан олавердилар. Улар қўлларига сиғадиган даражада олишиб, хизматкорларига бердилар-да, ўз жойларини эгалладилар. Бу ерга ташриф буюрганларнинг барчасига совға-саломлар улашилди. Кейин пешин намози ўқилди. Яхши тилаклар билдирилди. Ундан сўнг асрва шом намозлари ҳам ўқилди. Ал-Мутаваккил Ал-Муътазнинг шарафига мингта қулга озодлик берд и ва уларнинг ҳар бирига юз дирҳам ва уч сидра кийимликдан улашди. Қасрда тўрт мингта аёл бор эди. Уларга ҳам турли хил кийимликлар, қўллари учун хиналар, ўз даврининг камёб мевалари, Шом олмалари, лимон, беш минг боғлам наргис, ўн минг боғлам бинафша улашди. Ал-Фатҳга саройнинг қолган ходим ва хизматкорлари учун турли совғалар тарқатишни буюрди. Совға минг-минглаб дирҳамдан иборат эди. Ал-Фатҳ уларни олиб, буюрилган кишиларга тарқатиб берган деб изоҳлайди⁴⁶.

Аз-Зубайр ўз фикрини давом эттириб, Ал-Муктафо ўғли Абу Аҳмадни хатна қилдириш маросими тасвирини бундай изоҳлайди. Ал-Муктафо вазири Ал-Аббос ибн ал-Ҳасандан одамларни тўплашни ва уларга таом инъом этишни буюрди. Ал-Аббос сарой дарвозаси ёнидаги Дажлага қаратиб қурилган ҳовлида жой ҳозирлатди. У ерга ликопчалар қўйилиб, уларга одамлар илгари кўрмаган қимматбаҳо егуликлар солинди ва одамларга узатилди. Унинг баландлиги бир зирога етмасди, бир зиродан камроқ, узунлиги 90 зиро эди. Барча саркардалар, Ал-Муктафoning хизматчилари ва кўшиқчилар у ерга ўтирдилар. Ал-Муктафо у ерга йиғилган одамлар орасидаги йўлакдан ўтиб, уларга бирм-бир совға тарқатди. Одамларнинг барчаси ҳозир қилинган таомлардан тановул қилдилар. Уларга турли зар

⁴⁶ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.115.

билан тўқилган газламалар тарқатилди. У ерга ташриф буюрганларнинг ҳеч бири Абу ал-Аббосдан тухфа олмасдан кетмади. Абу ал-Аббос уларга тухфа берди ва улар уни олишиб, ўз манзилларига кетдилар.

2.2. Халифаликда рўй берган муҳим воқеалар ва кийиниш маданияти

Мусулмонлар турмуш маданияти ўзининг нафислиги, юксак дидлилиги билан ажралиб турган бўлиб, уларнинг айрим жиҳатлари кейинчалик европаликлар томонидан қабул қилинган. Тарихий маълумотларга кўра, Бағдодда халифа Ҳорун ар-Рашид саройида хизмат қилган Зирийаб ҳаётга янги кийимлар, тартиблар киритишда беқиёс шахс бўлган. У турли фаслларда мавсумга қараб кийиниш тартибини жорий этган.

Қолаверса, Зирийаб олтин ва кумуш идишларга нисбатан юпқа шишадан буюмларнинг нафислиги ва қулайлигига базм ташкилотчиларини ишонтира олади. Базмларни уюштиришда энг аввало, унда иштирок этаётган инсонларнинг мартабаси, уларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган. Сарой аъёнлари, ноибларга кўрсатилган ҳурмат ҳамда хорижий мамлакатлар савдогарлари, элчиларига кўрсатилган иззат-икром ўзига хос жиҳатларга эга бўлган.

Тарихчи аз-Зубайр ўз асарида Араб халифалиги давридаги элчилик муносабатлари тўғрисида кўпгина маълумотлар ёзиб қолдирган. У Хитой, Марказий Осиё подшолари, Сосонийлар подшолари ҳузурида бўлган элчиликлар ҳақида ёзибгина қолмасдан, шунингдек, халифаликда келган элчиларни қандай кутиб олишганлиги, саройни қай тартибда безаганликлари ҳақидаги маълумотларни тасвирлаган. Масалан Рум подшолигидан Бағдодога 305 йилда ташриф буюрган элчиликни қуйидагича изоҳлайди:

Элчилар келган вақтда Абу ал-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн ал-Фурот вазир эди. Улар амалдорга дўстлик ва тинчлик битимини таклиф айладилар. Икки элчи Румдан *Мадина*т ас-Салом⁴⁷ га кўп совға-саломлар билан ташриф буюрдилар. Бироз вақт шаҳар дарвозаси ёнида тургач, 305 йил муҳаррам

⁴⁷ Бағдод шаҳри

ойининг иккинчи кечасида Бағдодга киришларига рухсат берилди. Улар машҳур қасрнинг энг баланд жойига бориб жойлашдилар. Ибн ал-Фурот улар учун жой ҳозирлатди ҳамда уларга барча зарурий анжомларни ҳозирлатиб қўйди⁴⁸. Улар бу жойга келган пайтдан буён ҳеч бир нарсага эҳтиёжманд бўлиб қолмадилар. Амир уларнинг ҳузурига келиб, хабар олиб турди. Улар ўзлари билан келтирган ёрликни амалдорга топшириш вақти етганди, бироқ бу топшириш бироз мушкуллик туғдирди. Кейин амалдорнинг вазири билан учрашиб суҳбатлашгач, унга ўз мақсадлари: ўзлари билан келтирган ёрликни топшириш ва халифага тинчлик таклифни изҳор қилишларини баён қилдилар. Улар билан бирга келган таржимон Абу Умир Адий ибн Абдулбоқи ал-Сағар ал-Фуротдан вазирнинг ҳузурига иккала элчининг кириши учун изн беришини сўради. Ибн ал-Фурот яшайдиган ҳовлидан элчилар қўним топган жойгача аскарлар тартиб билан саф тортиб туришарди. Улар унинг ғуломлари бўлиб, улар унинг мунтазам қўшинини ташкил этарди, улар доимий равишда унинг ҳовлиси ёнида туришарди. Унинг ҳовлисида катта бир боғ бўлиб, унга энг сара тўшаклар тўшалган ва чиройли матолар осиб қўйилган эди, шунингдек, баҳоси ўттиз саккиз минг динорга тенг гиламлар ёзилган эди. Безатилмаган ҳеч бир жой қолмаганди⁴⁹.

Ибн ал-Фурот ўз қасрини ҳашаматли қилиб қурган эди. У оромкурсида ўтиради. Хизматкорлари эса унинг ўнг ва чап тарафида турадилар. Саркардалар ва *волий*⁵⁰ даврани тўлдириб туришибди. У ерга бири ёши чамаси олтмишлардаги қарироқ ва иккинчиси ёши чамаси қирқлардаги ёшроқ икки элчи кириб келдилар. Улар ўз йўлларида турган аскарлар ва у ерга тўпланган кишиларга гувоҳ бўлдилар. Улар умумий йиғин бўладиган хонага кирдилар. Хона кишиларга лик тўлган эди. Кейин улар иккаласи узун йўлак орқали ўтиб, боғ саҳнига чиқдилар. Кейин улар иккиси вазир ўтирган жойга бордилар. У ерга йиғилганларнинг ўзларига қизиқсиниб қараганларига

⁴⁸ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳоф”. Қувайт, 1959. Б.130.

⁴⁹ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳоф”. Қувайт, 1959. Б.131.

⁵⁰ вилоят ҳокимлари

шоҳид бўлдилар. Улар билан бирга бўлган таржимон Абу Умир ибн Абдулбоқи уларни таништириб, таржимонлик қилиб турди. *Соҳиби шурат*⁵¹ ҳам одамлар тўпланган жойга келди. Улар вазир Абу ал-Фуротнинг олдида бориб турдилар-да салом бердилар. Таржимон Ибн Абдулбоқи уларнинг ўзаро суҳбатини бир-бирларига таржима қилиб турди. Вазирга тинчлик ва дўстлик таклиф этажагини ҳамда бунга амалдорнинг муносабатини сўрадилар⁵². Сўнг уларни амирга етказишни илтимос қилди. Улар Ибн ал-Фурот билан бирга у ердан чиқишиб, бошқа йўл орқали ўзлари қўним топган манзилга етиб бордилар. Улар йўл бўйлаб бир хилдаги ажойиб камзул кийимдаги мунтазам аскарларга гувоҳ бўлдилар. Бағдодга кирган куниёқ уларга ҳам зарбоф тўн ва бош кийим тақдим қилинган эди.

Вазир Абу ал-Ҳасан ибн ал-Фурот амалдорга уларнинг айтган таклифларини ва берган жавобларини айтиб берди ҳамда амалдорнинг қасрига тўпланган волийлар, саркардалар ва қўшиннинг қолган раҳбарларига у(жавоб)ни тақдим айлади. Улар туш маҳалида султоннинг кўшкига йиғилдилар, улар йўлда ажойиб кийимдаги мунтазам қўшинга кўзлари тушдилар. Қасрнинг барча томонлари: даҳлизлар, йўлакларида одамлар гавжум эди. Қаср дурлар ёрдамида безатилган гиламлар ташланган эди. У ерга тўпланганларнинг барчаси хурсанд эдилар. У ерга бежирим пардалар тутилган эди⁵³.

Ҳожиб Али ибн Муҳаммад 1038 та пардани, отлар, туялар, филлар акслари зарлар билан тикилган пардаларни, 12500 жилд китобга тикилган матоли муқоваларни, Маъмун, Муътасим, Восиқ, Мутаваккил, Муктафо исмлари битилган 15500 дона турли-туман гиламларни, йўлаклар ва сахнга ёйилган ўн икки минг дона гиламни, шунингдек, тилла, кумуш, дур билан чатиб тикилган барча сарой матоли ашёларини қайд этиб ўтган. Элчилар

⁵¹ Хавфсизлик ишлари мутасаддиси

⁵² Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.132.

⁵³ Ўша манба. Б.133.

султонинг саройида саркардалар тўпланган мажлисга келдилар. Улар билан бирга таржимон Абдулбоқи ҳам бор эди⁵⁴.

Улар машхур қасрга катта дарвоза орқали кирдилар. Унда беш юз дона гилам, беш юзта тилла, кумуш ёрдамида безатилган мато қопланган ўриндиқ, беш юз нафар хизматкор бор эди. Кейин ўша муаззам сахн орқали ўтдилар. У ерда турли ҳайвонлар бўлиб, у ердаги одамлар уларни овқатлантирардилар. У ерда саккизта фил ҳам бор эди. Улар йўлак орқали шинам боққа чиқиб бордилар. У ерда кумуш ёрдамида безатилган оромгоҳ бор эди. У жойда бир ҳовуз ҳам бор бўлиб, унинг узунлиги саксон зиро эди. Ушбу боғнинг рўпарасида яна бир боғ бор эди. Унда ширин мевали тўрт юз тўп хурмо дарахти бор эди⁵⁵.

Боғнинг ён-атрофи лимон дарахтлари билан ўралган эди. Кейин “Фирдавс” номи билан ном чиқарган боққа кирдилар. У боғда ранг-баранг сон-саноксиз ва беадад қимматбаҳо ашёлар бор эди. Фирдавснинг даҳлизларида беш минг дона тилла буюмлар осилган эди. Сўнг улар узунлиги уч юз зиро келадиган узун йўлак бўйлаб юрдилар. Ушбу йўлакда қалқон, дубулға, совут, совут зирҳи, ёйлар ҳар томонда ярқираб турарди. У ерда ўнгу сўлда минг нафар суданлик хизматкорлар қатор саф тортиб турардилар. Кейин бошқа ҳовлига чиқдилар. У ерда қўлларида найза ва табарзин тутган ғуломлар бор эди. Кейин Дор ал-Саломга кирдилар. У ерда тумонат одам бор эди. У ерда ҳам бошқа қасрларда бўлгани каби элчиларга қорнинг эришидан ҳосил бўлган сув бердилар. Улар ҳаммаси бўлиб етти жойда ўтирдилар, дам олдилар ва ўша сувдан ичдилар. Улар сахндаги, йўлакларидаги, ҳордиқ чиқариш жойларидаги бойликларни кўриб ҳайратлари ошди⁵⁶.

Улар йўллардаги жуда яхши ҳолда кийим билан таъминланган аскарларни кўриб ҳайратландилар. Ниҳоят, улар амалдорнинг ҳузурига

⁵⁴ Ўша манба. Б. 134.

⁵⁵ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.135.

⁵⁶ Ўша манба. Б. 136.

кирдилар. Улар билан бирга таржимон Абдулбоқи ҳам бор эди. Амалдор Дажла бўйидаги зарбоф тўнга бўрканганча шоҳона тахтда ўтирар эди. Унинг қаршисида митти қора хонтахта бўлиб, унга шода маржон тасбеҳ осилиб турар, куёш нурлари таъсирида товланар эди. Волийлар ва Абу ал-Ҳасан ибн ал-Фурот халифанинг қабатида турар эдилар.

Тарихчи Ас-Саби ўз асарида халифа ва сарой аъёнларининг кийимларини анча батафсил тасвирлаб беради. Жумладан, унинг асарида баён этилишича, Халифа тахтда арман ипак матоси ёки хаззъ матосидан тикилган ёстикда ўтирар эди, қишда ва ёзда атрофида арман ипагидан ёстиклар турар эди. Халифа тоза ипакдан ёки пахта ёхуд жун аралаш ипакдан тикилган қора рангдаги *чакмон*⁵⁷ кийган эди.

Халифанинг бошида қора *русафийа*⁵⁸ бўлиб, тахтдаги иккита ёстик орасида халифанинг чап томонида қизил ғилофда қилич қуйилган, унинг олдида шу вақтгача хазина сақланиб келган Усмон Қуръони қуйилган эди. Халифанинг елкасида пайғамбарнинг яктаги, ғуломдорлар, тан соқчилар, ғуломлар қўлларида жанговар болта ва гурзилар ҳамда қилич билан тахтнинг орқасида турар эди. Тахтнинг орқасида иккала томонда сақлаблар⁵⁹ олтин ва кумуш билан қопланган катта елпиғичлар билан чивинларни ҳайдаб турар эди. Халифанинг олдида *дибажа*⁶⁰ дан парда тортилган, одамлар келганда, пардани кўтаришар, халифа одамларга рухсат берганда пардани туширар эдилар⁶¹.

Аз-Зубайр ўз асарида халифаларнинг одатлари, сарой одатларини тасвирлар экан, халифаларнинг олдида келган элчилар ўзларини қандай тутишлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтган. Халифа тахтининг ҳар икки тарафдан аёл хизматчилар ҳам жой олишган эди. Улар киргач, дастлаб ерни

⁵⁷ кафтан

⁵⁸ узун бош кийим

⁵⁹ оқ танли асирлар

⁶⁰ атлас мато

⁶¹ Қаранг: Хилал Ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов. (Русум дар ал-халифа). Перевод с арабского предисловие и примечания И.Б.Михайловой. М.1983.С. 66.

ўпиб салом бердилар ва шундан сўнгра ўринларидан турдилар. Халифа уларга шоҳона сарпо келтиришни амр қилди. Муздек сувли фавворалар очилди, дарахтларда қушлар сайрай бошладилар. Таржимон уларнинг гапларини вазирга айтди. Вазир эса бу гапларни халифага етказди. Элчилар халифага соғлиқ тилаган ҳолларида тинчлик ёрлиғини топширдилар. Уларга муслимлардан раҳмат жавоби бўлди. Кейин аёл хизматчи бир ёрлик келтирди. У ёрлик ўқиб эшиттирилди ва элчига тақдим этилди. Бу амалдорнинг Рум подшоҳига жавоби эди. У анча катта эди. Элчилар уни эъзозлаб ўпдилар.

Кейин улар махсус эшик орқали чиқишиб, ўзлари қўним топган манзилга бордилар. Уларга турли-туман қимматбаҳо совға-саломлар ва тиллалар берилди. Али ибн Абдулбоқи ҳам тақдирланди. Уларнинг ҳар иккиси беш динорли улкан халталар билан сийланди⁶².

Айтишларича, улар туш маҳали йўлга отланишганларида уларнинг шарафларига мунтазам аскарлар ҳамда филлар, йўлбарслар, қоплонлар ва бошқа ваҳший ҳайвонлар ҳозирланди. Уларга йўлда ҳаражатлари учун сарфлашлари мақсадида саркардалар томонидан бир юз етмиш минг динор тақдим қилинди. Улар ўша йили раббиул аввал ойининг учинчи шанбаси куни чиқиб кетдилар.

Бу каби маросимларда аслзода аббосийлар қора *каба*⁶³ ва қора енгил *туника*⁶⁴ кийиб юрар эдилар. Белбоғни боғлаш ва қилич тақиб юришда уларда фарқлар мавжуд бўлиб, бу қоида судья(қози)ларга тааллуқли эмас эди. Улар *тайласан*⁶⁵ кийиб юришлари шарт бўлган. Пойтахт судья(қози)лари ва ас-Савад лавозимига тайинланадиган маҳаллий судьялар кўйлак ва *тайласан*, *даннийя*⁶⁶, *каракиф*⁶⁷ кийиб юришган.

⁶² Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.137.

⁶³ узун эркаклар кийими, кафтан

⁶⁴ узун, енгсиз кийим

⁶⁵ яшил ип аралаш жундан тикилган, елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим

⁶⁶ кўкракка тушиб турадиган, мис тахтачали, қорага бўялган кумуш мунчоқлар қадалган, барг шаклида кумушдан тайёрланган, узунлиги икки қарич конус шаклидаги бош кийим. Аслзода, қозилар ва руҳонийлар учун мўлжалланган

Тарихчи буларга қўшимча равишда бизнинг вақтимизда бу кийимларни ҳеч ким киймайди, уларни қора ярқироқ салла билан алмаштирганлар деб келтириб ўтади. Баъзи одамлар юпқа зиғир толасидан тўқилган ёки ярим ипакдан тикилган қора рангли кийим кийиб юрадилар. Мен фақат зиғир толасидан тўқилган, аммо безаклари бўлмаган кийимларни кўрдим. Ансорларнинг авлодлари сариқ кийим ва салла кийганлар, бироқ ўша пайтгача улар камайиб кетган эди.

Амирлар ва ҳарбий бошлиқлар эса ҳар қандай матодан тикилган кафтан ва салла, оёқларида эса пайпоқ ва ип билан боғланадиган шиппак кийиб юрар эди. Халифанинг буйруғига асосан улар шундай кийиниб юришлари керак эди. Бошқа шахсларга қора кийим кийиб юриш тақиқланган эди. Бошқа одамлар ўзларининг ихтиёрига асосан ҳар қандай рангдаги кийим кийиб юришлари ва асосий қонун – ипакдан кийим кийиб юрмасликлари лозим бўлган⁶⁸.

Тарихчи аз-Зубайр асарида тасвирланган Сомонийлар ва Ғазнавийлар ҳамда халифаликда ташриф буюрган элчиларни қабул қилиш, унга махсус тайёргарлик кўриш, саройни безаш ҳамда саройда саф тортиб турган аскарлар ва ёввойи ҳайвонлар каби ҳолатлар бир-бирига жуда ўхшашдир. Аз-Зубайрнинг саройда хизмат қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у бу каби воқеаларнинг гувоҳи бўлган, асардаги баъзи воқеаларнинг ҳаёлий тасаввур ёки бадий тўқима эканлигини ҳисобга олмаганда, буни ҳақиқатга асосланган тархий маълумот дея оламиз.

Булардан ташқари аз-Зубайр халифалар ҳаётида рўй берган баъзи бир воқеаларни келтириб ўтади. Унинг маълумотига қараганда халифа Маъмун захарланиш ва унинг зарарли оқибатларидан ҳимояланиш тўғрисида фармон чиқарган: Бозухар тоши майдалаб туюлса, унинг парчалари захарли ҳайвонлар томонидан чақилган жойга сепилса, захарнинг олдини олиб, уни

⁶⁷ Аббосийлар даврида қозилар ва фикхшунослар кийиб юрган қонус шаклидаги бош кийими

⁶⁸ Қаранг: Хилал Ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов. (Русум дар ал-халифа). Перевод с арабского предисловие и примечания И.Б.Михайловой. М.1983.С. 67.

тўхтаркан. Уни таом ёки шаробга солинса, у заҳарга айланаркан. Тошга сув кўйдилар. Мулкдорлар ундан пичоқ сопи ясатдирдилар. Ўша пичоқ дастурхонга кўйгач, таом заҳарланди. Чунки бу пичоқнинг сопи бозухар тошидан ясалган эди⁶⁹.

Шунингдек у халифа Абдуллоҳ ибн Абдулмалик ибн Марвон ҳақида куйидагиларни ёзади.: халифа ҳижратнинг 100 йилида вафот этганида ундан етмиш *мадя*⁷⁰ олтин қолган эди. Бир мадя 3 миср ардиби, бир миср ардиби эса 6 *вайба*⁷¹, бир вайба эса 16 қадах, бир қадах эса 1000 динорга тенг. Демак, вайба 16 минг динор, ардиб эса 100 минг динор, мадя 300 минг динор. Шу тариқа, барчаси 21 миллион динор эди. Ҳижоз мадyasi эса 7 соъаю бир насаф, бир соъа 4 *муд*⁷², бир муд эса бир *ритл*⁷³ у 1/3 (учдан бир) бағдодий, бир ритл бағдодий эса 90 мисқол, бир *мисқол*⁷⁴ эса 128 дирҳаму 1 насаф, бир насаф эса 1/7 (еттидан бир) дирҳамга тенг. Расулуллоҳ (сав) соъанинг қийматини 5 ритлу 1/3 (учдан бир) бағдодий, бир фараҳ 3 соъа, бир васак 7 соъа деб айтган⁷⁵.

У фикрини давом эттириб Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн ал-Аббос Басра ва Ироқ ҳокими бўлганлигини ёзади. У 173 йилда вафот қилганида ундан ерлар, боғлар, дурлар, жавоҳирлар, гиламлар, мушк-анбарлар, газламалар, идишлар, меҳнат ҳайвонлари ва уч миллион динор мол-мулк қолган эди. Ундан ҳар куни юз минг мол-дунё масжидга тарқатилар эди. Ар-Рашид ўша бойликни ўзига олиб, хазинага кўшиб кўйишни буюрди. У хазинани турган жойидан мол-мулкни матоларга

⁶⁹ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.169.

⁷⁰ Оғирлик ўлчов бирлиги.

⁷¹ Вайба – 3,3 л га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

⁷² Муд – 18 л га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

⁷³ Ритл – 450 гр га тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

⁷⁴ Мисқол — қадимги оғирлик ўлчов бирлиги; Шарқ мамлакатларида қимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги мисқол билан ўлчанган. 1 мисқолнинг оғирлиги 100 дона арпа (ёки буғдой) дони оғирлигига тенглаштирилган. Агар бир дона арпа донини қадимда ўртача 0,0409512 г га тенг қилиб олингани ҳисобга олинса, у ҳолда 1 М= 100 арпа дони = 1000,04095122 = 4,09512 г бўлади. Самарқанд (VI—VIII аср) да 4,46 г га, Бухоро (XVI—XIX аср) да 4,8—5 г га, Хоразм (XIV аср) ва Фарғона водийсида 4,55 г га тенг бўлган. Миср ва Суданда 1 М. 4,68 г, Сурияда 4,45 г, Ироқда 4,46 г. Эрон (XIV аср)да 4,3 г га, XIX аср охиридан эса 4,639 г га, Ҳиндистонда 4,583 г га тенг бўлган. Мисқол Яқин Шарқда ҳозир ҳам ишлатилади.

⁷⁵ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф”. Қувайт, 1959. Б.210.

ўраттирган ҳолда кемага орттириб жўнатди. У Муҳаммад ибн Сулаймоннинг сарвати бўлиб, эллик миллион динарга тенг эди, деб айтиб ўтади⁷⁶.

Бу каби воқеаларнинг келтирилишидан шундай хулосага келиш мумкинки, халифаларнинг бир қанча бойликларни тўплашдан ташқари, уларнинг кўп қисмини хайр-садақа ишларига сарфлаганликлари ҳамда катта базмларда ҳам халққа бойликлар тарқатилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

⁷⁶ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.221.

III БОБ. “КИТОБ АЗ-ЗАҲОИР ВА-Т-ТУҲАФ” АСАРИДА СОСОНИЙ ВА ХИТОЙ ПОДШОҲЛАРИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1. Сосонийлар давлатида элчиларнинг қабул маросимлари, қимматбаҳо ҳадялар ва қўлга қиритилган ўлжалар тўғрисидаги маълумотлар

II аср охири - III аср бошларига келиб ички ўзаро урушлар туфайли кучсизланиб қолган Парфия давлатининг ўрнида ташкил топган Сосонийлар давлати III асрнинг иккинчи ярми ва IV асрда Шарқдаги энг қудратли давлатга айланган. Аммо V аср ўрталаридан бошлаб бу давлат эфталитлар ва кидарийларнинг берган зарбалари натижасида аста-секин кучсизланиб қолади.

Эътиборлиси шуки, III—V асрлар сосонийлар салтанатининг дастлабки даври бўлиб, у Шарқ халқлари тарихида алоҳида ўринни эгаллайди.

Буни Сосонийлар даврида маданиятнинг анча юксак даражада тараққий топганлигида кўриш мумкин. Сосонийлар давлати кучайган даврда меъморчилик ва бўртма нақшли расм-тасвирлар ишлаш бирмунча ривожланган. Усталар сосоний шоҳлари, нуфузли кишилар, саркардалар учун ажойиб саройлар, мухташам бинолар қурганлар.

Шу билан бирга бу даврда кўплаб байрамлар, маросимлар ўтказиш урф-одатлари шакллана борган. Байрам кунлари урушлар тўхтатилган, турли ўйинлар, сайллар ташкил қилинган.

Тарихда Сосонийлар ҳукмронлиги даврига оид кўплаб манбалар мавжуд бўлиб, уларда илмий ва тарихий аҳамиятга эга маълумотлар ўз аксини топган.

Тарихчи аз-Зубайр асарида Сосонийлар тарихи ва подшоҳлари ҳақида ҳам кўпгина муҳим ва қимматли маълумотларни келтириб ўтган. Унда юқоридагилар сингари унда подшоҳнинг қанақа кийинганлиги, саройнинг қандай безатилганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзган.

Масалан, Сосоний шоҳи Хусрав ҳузурига келган элчиликни қўйидагича тасвирлайди: подшоҳ ҳузурига араб ва рим подшоҳларидан элчилар келганда, подшо ҳизматкорларига қўшинларини ўнта бўлинма, яъни отрядга бўлиб, ҳар бир бўлимда ўн мингта отлик, аскарлар олтидан ясалган қалқон билан, ялтираб турган найзалар билан, қўйма зирҳлар кийган ҳолда, қўлларида олтин байроқ эди. У Майдоннинг кетма-кет пештоқларини бошидан то подшоҳ саройигача саф тортиб туришларини буюрган. Кейин элчи билан аскарлар орасидан пиёда юриб ўтган. Сарой эшигига ташриф буюришганда, юқорига кўтарилишган⁷⁷.

Майдонда иккита сарой қарама-қарши қурилган бўлиб, майдоннинг ўртасида баландлиги 20 зиро келадиган аржувондан қурилган гумбаз мавжуд бўлиб, унинг усти ипак кимхоб билан ўралиб қизил олтидан зар тикиб чиқилган ва турли бўёқлар товланиб турибди. Унинг ўртасида олтидан қилинган занжир бўлиб, занжир томонда қандил осилган. Унда тож мавжуд бўлиб, у эркакларнинг салласига ўхшаб кетарди ва у дур, гавҳар, қизил ёқут билан зийнатланганди. Подшоҳ ўша қубба остида ўтирарди ва осиглик тож бошига тўғри келиб ўрнашарди. Олтидан қилинган занжир ёнида яна мисдан ясалган занжир ҳам мавжуд бўлиб, унинг бир қисми саройдан ташқарига чиқарилган эди. Агар бирор шикоятчи саройга келса, мис занжирни тортарди ва занжир ҳаракатга келиб, подшоҳнинг тожи қимирлай бошларди.

Шундан Хусрав эшик олдида шикоятчи турганини билиб олар, дарвоза олдида турган хизматкорга уни ичкарига олиб киришни буюрарди, (аммо бошқа бир манбада шоҳ одатда ташриф буюрувчилар ва элчилар билан

⁷⁷ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳоф”. Қувайт, 1959. Б.127.

тўғридан-тўғри гаплашмасди, деб келтирилган⁷⁸). У подшоҳнинг ҳузурига келиб, шикоятини сўзларди. Подшоҳ безатилган зал (айвон⁷⁹) ўртасидаги олтин тахтда ўтирар эди.

Бир куни Исмат бин ал-Хорис Добий 2 та юк ортилган эшак топиб олди. Уни қўшин бошлиғига олиб келди. Улардан бирининг устига 2 та қутича бор эди. Қутиларнинг бирида олтиндан ясалган отлиқ чавандоз бор эди. Отнинг эгари кумушдан тайёрланган бўлиб, олди тишлари ва лаблари ёқут ва замраддан ясалган эди ва кумуш билан безалган эди. Жилови ҳам кумушдан ясалган эди. Чавандоз эса кумушдан ясалган бўлиб, унинг устига жавҳар териб чиқилган. Иккинчи қутичада эса кумушдан ясалган туя мавжуд бўлиб, унинг эгари олтиндан ясалган. Қоринбоғи, айлиси, жилови олтиндан ясалган бўлиб, уларнинг барчаси ёқут билан безатилган. Унинг устида олтиндан ясалган тубон ҳам бўлиб, гавҳар билан безатилган. Ҳусрав уларни тахтининг 2 устунига қўйган экан.

Бошқа тарихий манбада келтирилишича, шоҳ оч рангдаги матодан тикилган кийим, турли хил рангдаги тож⁸⁰ (у оғирлиги сабабли томга занжир билан осиб қуйилган эди) кийган, соқол қуйган, олтин занжир⁸¹ тақиб олган эди. Саройда шоҳларнинг портретлари чизилган китоблар ёзилар эди.⁸² Подшоҳнинг ўнг томонидан подшоҳ наслидан бўлган жудаям кўркем, кимхоб зарбоф кийим кийган қуллар туришарди. Улар белларида қизил олтиндан тайёрланган ва турли гавҳарлар билан безатилган камар тақиб олишган. Подшоҳнинг чап томонида эса ҳоким ва валийларнинг болалари белларида камар, устиларида кимхоб либос, қўлларида олтин темирдан қилинган таёқ, яъни устунни ушлаб туришарди. Подшоҳ танлаб олинган 40

⁷⁸ Қаранг: Дашков С.В. Цари царей Сасаниды. М. 2008. С.43.

⁷⁹ Айвон – сосонийларнинг давлат биноларидаги зарурий қисм

⁸⁰ Тожнинг элементлари зардуштийлик рамзлари билан боғлиқ эди. Ҳар бир шоҳнинг ўз тожи бўлиб, ҳукмронлик тугаганда, тожни алмаштиришар эди. Буни сосонийларнинг тангаларидаги тасвирларда кўриш мумкин.

⁸¹ Бу занжирни V асргача бўлган тангаларда кўп учратиш мумкин, бироқ соқолни боғлаб қуйиш одатини VII аср Хитой сайёҳи Сим Цзян айтиб ўтган

⁸² Қаранг: Дашков С.В. Цари царей Сасаниды. М. 2008.С.43.

та жория билан ўтирарди. Уларнинг 20 таси ўнг томонда, 20 таси чап томонда ўтиришарди. Қўлларида жудаям кўркам мусиқа асбоблари бор эди. Таржимонлар подшоҳнинг ҳузурида ўтиришарди. Элчи подшоҳ ҳузуриги келгач, унга ўтириш буюрилар, хизматчи олтин ва кумушдан ясалган курсини олиб келар ва унга ўтиришарди⁸³.

Саройда шоҳларнинг портретлари чизилган китоблар ёзилар эди. Ал-Масъудий (X аср) 27 та портрет бўлган китобни кўрганлигини ёзиб ўтган. Ҳамза ал-Исфahоний (X аср) “Шахслар китоби” асарида қадимги китобларида кўрган суратларни тасвирлаб берган. Нарса ва Хурмузд II қизил куйлак ва шимда, қўлларида қилич ушлаб турган ҳолда тасвирланган. Шопур II оч қизил ранг кийимларда, қизил шим ва олтин билан безалган, ойнанинг кичик тасвирини ифодалаб турувчи кўк тиара (қадимги подшоҳларнинг бош кийими) кийган ҳолда тасвирланган. Яздигард II, Хурмузд III ва Перўзнинг тожи кўк рангда бўлган.

Қайд этишларича, Рим императори Диоклетиан (285-305) даврида айнан форс саройи анъаналарининг айримлари Рим империяси маросимлари анъаналари сифатида қабул қилинган. Жумладан, олий ҳокимият рамзи сифатида диадема (тож, тиллақош) тақиб юриш анъанаси.

Шоҳ ҳузурида қабул маросимлари муайян тартибда амалга ошириларди. VIII асрда Араб ёзувчиси ал-Жаҳизнинг ёзишича, турли ишларни масъул шахсларга тақсимлаш шанба кунлари амалга оширилар, жума куни суд ишлари кўриб чиқилар, қонунчилик масалалари ҳал этилар эди. Шоҳга ишлар тўғрисида маъруза қилинар, ҳукмлар олдиндан тайёрлаб қўйилар, шоҳ томонидан эълон қилинган фармонлар котиб томонидан расмийлаштирилар ва махсус йилномага киритилар ва шоҳ арихивида сақланар эди. Шоҳ олдида ҳурмат ва эҳтиром билан ўтириш, қўлларни бир-бирнинг устига қуйиб, кафтларни қўлтиқ остига яширган ҳолда шоҳга юзланиш лозим эди. Агар бирор ҳикматли гап шоҳга ёкса, шоҳ “Зих” (Балли) деб айтар – шунда

⁸³ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-заҳоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.160.

ғазначи ўша одамга катта миқдордаги пул берар эди (манбаларга кўра 4 мингдан 10 минг дирҳамгача)⁸⁴.

Аз-Зубайр бу каби маълумотлардан ташқари, Сосоний шоҳига қилинган ҳадялар ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Масалан, у Ҳинд подшоҳининг Хусравга қилган ҳадяси ҳақида қуйидагиларни баён қилади: Ҳинд подшоҳи Хусравга минг ман⁸⁵, яъни икки минг ротл⁸⁶ миқдорида шамга ўхшаб оловда эритиладиган Ҳиндистон “уд”идан⁸⁷ совға қилди. Ундан муҳр босишда фойдаланилганда ёзув аниқ кўринарди. Яна совғалар орасида қизил ёқут ҳам бўлиб, узунлиги шибир⁸⁸га тенг эди ва дур билан безатилган эди. Шунингдек, ўн ман пистадек келадиган ёки ундан сал каттароқ бўлган кафур ҳамда бўйи етти зиро келадиган, кўзларининг икки қобоғи юзига тегиб турган тишлари оқлигидан нур сочиб ярқираб турган, қошлари туташган, ўрилган сочлари ерга судралиб тушиб турган жория ва ҳайвон терисидан тайёрланган ҳарир билан юмшатишга жуда гўзал гул солинган Кази дарахти пўстида олтин ва дур билан ёзув ёзилган гилам совға қилган.

Шунингдек, Хитой подшоҳи ҳам Хусрав Анушервонга бир ҳадя ва мактуб юборган. У қуйидагича изоҳланади: дур ва гавҳарлар қасрининг соҳиби бўлмиш Хитой подшоҳининг қасридан уд ва *Кафур*⁸⁹ оқиб турадиган иккита дарё оқиб ўтади. Уларнинг ҳиди икки фарсах узоқликдан анқиб туради. Унга минг маликнинг қизлари хизмат қилади ва хизматига мингта фил боғланган. Унинг ҳадяси: от минган чавандоз бўлиб, у дурдан ясалган эди. Чавандоз ва отнинг кўзи қизил ёқутдан ясалган. Қиличнинг қини ўсиб турувчи *сафан*⁹⁰ дан тайёрланган бўлиб, унинг устига гавҳар териб чиқилган. Чавандознинг кийими ҳар бири ўнтадан битта қилиб тайёрланган ушарий

⁸⁴ Қаранг. Дашков С.В. Цари царей Сасаниды. М.:2008. С.43.

⁸⁵ 1 ман 2 ротлга тенг

⁸⁶ 1 ротл 28 грамм ёки 144 дирҳамга тенг

⁸⁷ алойдан тайёрланган хушбўй атир

⁸⁸ қарич, 22.5 сантиметр

⁸⁹ гул чангидан тайёрланган атир

⁹⁰ ҳайвон терисидан тайёрланган товланувчи ялтировчи мато

Хитой шойисидан тикилган. Унда подшоҳнинг айвонда ўтирган ҳолидаги сурати тасвирланган. У кийим ва тож кийган. Унинг орқасида хизматкорлари туришибди.

Уларнинг қўлларида қизил олтин билан безатилган елпиғич бор. Чавандоз кийимининг ранги ложувард рангида ва усти олтин билан безатилган. Уни жудаям жамолда тенгсиз кўзга ташланиб турган жория кўтариб турган эди. (Масъудий: ҳикояни Хитой подшоҳининг умри давомида қилган энг ноёб совғаси мана шу эди деб тугатади).

Шунга ўхшаган ҳикоялардан бири Хусрав ибн Парвиз билин боғлиқдир. У Рим подшоҳи Қайсарга қиймати 10000 дурга тенг келадиган совға қилган. Қайсардан кейингилар бу совғаларни 2500 дурга тенг баҳолаганлар. Бу совғалар: олтиндан тайёрланган 1000 та ғишт бўлиб, ҳар бир ғиштнинг оғирлиги 1000 мисқолга тенг. Ихчам моллардан яна 500, дурдан 1000, қиймати 4000 дирҳамга тенг соф марварид, 1000 та олтиндан тўқилган зарбоф кимхоб, ҳар бир зарбофнинг қиймати 4000 дирҳамга тенг бўлган. Бундан ташқари, 1000 та зотдор аравага қўшиладиган от совға қилган. Ҳар бир отнинг қиймати 2000 дирҳамга тенг бўлган, баъзилар 4000 дирҳам бўлишган⁹¹.

Аз-Зубайр Сосонийларга тегишли бўлган қимматбаҳо буюмларнинг топилиши ҳақида ҳам ёзиб, қуйидаги воқеани келтиради: баъзи мусулмонлар икки кишининг устидан ғалаба қозондилар. Улар билан бирга бўлганлар ўлдирилди ва қўшин бошлиғига юборилди. Уларнинг ёнларида 4 та кичик сандиқча бўлиб, уларнинг иккитасида Хусравнинг тожи, қолган иккитасида эса унинг гавҳар терилган, олтин билан безатилган, кимхоб матодан тайёрланган кийими бор эди.

Шу каби воқеалардан яна бири Аттил ибни Солих бин Мирдас ал-Калбий (452/1055) *Рихба*⁹²ни қўлга киритиб, у ердаги барча қимматбаҳо

⁹¹ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.5.

⁹² Рихба- Мадина ва Шом ўртасидаги қишлоқ

нарсаларга эга бўлиши ҳақидадир. Топилган мол-мулкларнинг ичида Абул Хорис Руслон Басосирий ва бошқаларнинг моли бор эди. Басосирий бу молларни Бағдоддан келтирган бўлиб, улар халифа Абу Жаъфар Абдуллох ал-Қоимга⁹³ тегишли эди. 450/1053 йили бани Аббос⁹⁴ тахтдан ағдарилиб, унинг мол-мулки талон-тарож килинганда, унинг қимматбаҳо нарсалари ичидан четлари феруза билан безатилган дастурхон чиққан. У Бани Аббос хазинасига Бани Умайлдан⁹⁵ келтирилган эди. Бани Умайлникига эса Хусрав⁹⁶ хазинасидан олиб келинган. Дастурхоннинг кенглиги шибр (22,5 см) дан бироз кенгрок бўлиб, унга бир коса ҳолва сиғарди. Хусрав давлати уни Райя⁹⁷дан топган бўлиб, у ердан Абу Аббос Қодирга олиб борилганлигини таъкидлаб ўтади..

Шунингдек, Қаъқаъ бин Амаъ Форс ерларининг биридан 2 та чарм халта ва 2 та ғилоф топиб олди. Ғилофларнинг бирида 5 та қилич, иккинчисида 6 та қилич бор эди. Халталарда эса совутлар бор эди. Улар Хусравнинг зирҳи, совути, орқа томоннинг ҳимоя зирҳи ва иккита қўлининг ҳимоя совути, Рим подшоҳининг совути, Даҳрнинг совути, Сиёвушнинг совути ҳамда Нўъмоннинг совутлари эди.. Ҳокон Геракл ва Даҳрнинг совутини уларга қилган юришларда қўлга киритишган. Нўъмон ва Баҳром эса Хусравга мухолиф ва уруш қилишда олишган. Ғилофларнинг бирида Хусрав, Хурмузд, Ферузнинг қиличлари, иккинчисида эса Геракл, Ҳокон, Даҳр, Баҳром ва Нўъмоннинг қиличлари мавжуд эди. Уларни Саъадга олиб келишди. У эса Гераклнинг қиличини танлади. Саъад Хусрав ва Нўъмоннинг қиличлари ҳақида араблар эшитиб билишлари учун Умарга гапириб берди. Бу нарсаларни араблар эшитиши ва мусулмонлар кўриши учун Умарга юбордилар.

⁹³ ал- Қоим- Аббосийлар халифаси (1031-1075)

⁹⁴ Бани Аббос- Аббосийлар сулоласи назарда тутилган

⁹⁵ Бани Умайл- Уммавийлар назарда тутилган

⁹⁶ Хусрав- Эрон шоҳи Перузнинг ўғли Хусрав I Анушервон (531- 579) дир

⁹⁷ Райя- Кардоба яқинидаги сабзавотлар етиштирадиган кенг ҳудуд. У ерда қалъа ва шаҳарлар бор. Шунингдек, 30 га яқин раён ва туманлари ҳам бор

Умарга Хусравнинг қиличи, камари ҳамда олтиндан ишланган нақш расмини олиб келишди. Шунингдек, унга Хусравнинг гул тикилган бўйинбоғи, маржон шодаси бўйнига тақилди, кийими ва тожи кийдирилди⁹⁸.

Аз-Зубайр асарида топилмалар тўғрисида яна бир қатор ҳикоялар келтиради. Бир куни Исмат бин ал-Хорис Добий 2 та юк ортилган эшак топиб олди. Уни қўшин бошлиғига олиб келди. Улардан бирининг устига 2 та қутича бор эди. Қутиларнинг бирида олтиндан яалган отлиқ чавандоз бор эди. Отнинг эгари кумушдан тайёрланган бўлиб, олди тишлари ва лаблари ёқут ва замраддан ясалган эди ва кумуш билан безалган эди. Жилови ҳам кумушдан ясалган эди. Чавандоз эса кумушдан ясалган бўлиб, унинг устига жавҳар териб чиқилган. Иккинчи қутичада эса кумушдан ясалган туя мавжуд бўлиб, унинг эгари олтиндан ясалган. Қоринбоғи, айлиси, жилови олтиндан ясалган бўлиб, уларнинг барчаси ёқут билан безатилган. Унинг устида олтиндан ясалган тубон ҳам бўлиб, гавҳар билан безатган. Хусрав уларни тахтининг 2 устунига қўйган экан, деб бу ҳақдаги воқеаларни якунлайди⁹⁹.

⁹⁸ Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.161.

⁹⁹ Ўша манба. Б.159.

3.2. Хитой подшоҳлари даврида элчилик муносабатлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари

Хитой ўзининг бой тарихий ўтмишига эга бўлиб, ўзининг маданияти, урф-одатлари, давлатчилик тарихи, давлат бошқаруви, ташқи алоқалар соҳасида кўплаб ютуқларга эришган.

Қадимги даврдан турли подшоҳликларга парчаланиб, тарқоқлик даврларини бошдан кечирган бўлса-да, ўрта асрларга келиб ташқи душманга қарши курашиш лозимлиги туфайли ягона давлатга бирлашиш зарурияти туғилди.

618-йилда Шимоли-Ғарбий Хитойнинг князларидан бири Ли Юан ҳокимиятни босиб олиб, Тан сулоласига (618- 907-йиллар) асос солди.

Хитойда VII асрдан шаҳар ҳаёти ва қурилишида бирмунча жонланиш бошланди. Дарёлар, денгиз портлари ва хомашё сероб жойларда эса янги хилдаги шаҳарлар — савдо-ҳунармандчилик марказлари вужудга келди. Мамлакатнинг йирик шаҳарлари: Чанъан, Лоян, Тайюанда муҳташам саройлар, ибодатхоналар, истироҳат боғлари, ҳовузлар ва гулзорлаи барпо этилди.

Хитой VII асрдан бошлаб Япония ва Ҳиндистон билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Чет мамлакатлар билан савдо алоқалари кучайиб, VII- VII асрларда Хитойга Византия ва Араб халифалигидан элчилар келдилар.

Кейин Сун сулоласи даврида (960—1279-йиллар) Хитойнинг халқаро алоқалари янада мустаҳкамланади. Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Ҳиндихитой билангина эмас, балки Корея, Япония ва Индонезия билан ҳам кенг миқёсда ташқи савдо олиб борилди.

Тарихчи аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-туҳаф” асарида Хитой тарихига оид маълумотлар ҳам кўплаб учрайди. Унда ҳам подшоҳларнинг бир-бирига улашган ҳадялари ва элчилик маросимлари тасвирланган.

Қуйида шу тарих билан боғлиқ бўлган энг муҳим воқеаларни келтириб ўтамыз.

Хитой подшоҳи Муовия бин Абу Суфёнга шундай ёзади: хизматида минг подшоҳнинг қизи бўлган, ҳовлиси олтиндан бунёд қилинган мингта фил хизматига боғланган унинг икки дарёси бўлиб, биридан уд ва иккинчисидан кафур оқиб турадиган, уларнинг ҳиди 20 мил нарида анқиб турадиган подшоҳларнинг подшоҳига: Оллоҳга ибодат қилиб, ундан бошқага ибодат қилмайдиган ва унга ширк келтирмайдиган араб подшоҳига; Мен сенга бир ҳадя .бордим. Менга пайғамбарингга юборилган ҳаром ва ҳалолнинг фарқини англатадиган ва уни тушунтириб берадиган вакил билан бирга юбор, деди.

Унинг ҳадяси Хитой илмлари сирини англатувчи китоб бўлган. Айтишларича, китоб кейинчалик Холид бин Язид бин Муовияга мерос бўлиб қолган. Бу китобдан санъатда ва бошқа соҳаларда буюк ишлар қилишда фойдаланишган¹⁰⁰.

Тарихчи аз-Зубайрнинг таъкидлашича, хитойликлар четдан келадиган элчиларни ҳар доим саройини ҳайратда қолдирадиган нарсаларни кўрсатишга ҳаракат қилган, бу билан эса ўз давлатининг ҳурмат ва эҳтиромини ифодалаган бўлар эди. Бироқ императорга итоаткорликни ифодалашда алоҳида ҳолларда истиснолар қилинар эди. Масалан, сосонийлар шоҳи Перўзнинг элчиси император Тай-цзундан арабларга қарши курашда ёрдам беришни сўраб юборганда, элчи итоаткорликнинг қандай белгиларини кўрсатганлигини ҳеч ким айтолмайди.

Бошқа манбаларда Хитой билан элчилик алоқалари хусусида бир қатор воқеалар баён қилинган.

Элчи – оддий дипломат ёки ўз шоҳининг яқин қариндоши, машхур руҳоний ёки бой савдогар бўлишидан қатъи назар – одатда итоаткорликни ифодалашга ҳаракат қилганлар. Хитой билан савдо алоқаларини ўрнатишдан

¹⁰⁰ Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр. “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959. Б.9.

манфаатдор бўлган ва Хитойдан анча олисда жойлашган мамлакатлар ўзлари билан дўстона муносабатда бўлган кўшни мамлакатлардан уларнинг элчихоналари орқали ушбу мамлакат манфаатларини Хитойда ифодалашни сўрар эдилар. Масалан, 630 йилда Бали подшолиги Хитой саройига Тяма давлати элчилиги таркибида ўз вакилини подшоликда ишлаб чиқариладиган совғалар билан Хитой императори саройига юборган.

Манбаларда таъкидланишича, Хитой пойтахтига келган элчи тенг ҳуқуқли мақомни кўлга киритиш учун ўз ваколатларини тасдиқловчи расмий гувоҳномага эга бўлиши керак эди. Тан империяси ҳимоясига эга бўлиш мақсадида хорижий мамлакатлар олтин белбоғ ва имератор фуқаролигини ифодаловчи кийим¹⁰¹ юбориш, хитой мансабдорини ўз ҳузурида маслаҳатчи этиб тайинлаш ёки қадимий хитой асарларидан бир нусха юбориш тўғрисида ёрлиқлар юборганлар. Кўп ҳолатларда элчи ўзининг расмий ваколатларини тасдиқловчи ҳужатларни олиб юриш учун чиройли ғилоф (сумка) беришган.

Элчининг расмий ваколатларини тасдиқловчи белгилар бронзадан тайёрланиб, балиқ шаклида ясалар эди. Хитой империяси билан мунтазам дипломатик алоқаларда бўлган мамлакатларга йилнинг ҳар бир ойига мўлжаллаб икки қисмга бўлинган балиқларнинг бир қисмини беришар эди. Ҳар бир белгида ойнинг тартиб рақами ва топширилган мамлакат номи ёзилган эди. Балиқнинг “эркак” қисми император саройида сақланар, “аёл” қисми эса “солиқ тўлашга мажбур” мамлакатларга юборилар эди. Хитойга юборилган элчи ўзининг кимхоб ғилофида балиқнинг бир қисмини олиб келар эди. Ушбу белгида элчи Чанъанга келиши лозим бўлган ой кўрсатилган эди. Агар элчи ўзи билан олиб келган балиқнинг бир қисми император саройида сақланадиган балиқнинг иккинчи қисмига мос келса, элчини ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишар эди¹⁰².

¹⁰¹ фуқаронинг даражасига кўра турли ранглардаги кийимлар мавжуд эди.

¹⁰² Қаранг. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М.1981. С.45.

Хитойда барча элчилар учун имтиёзлар бир хил бўлмаган эди. Масалан, озиқ-овқат таъминоти мамлакатларнинг Хитойдан қанча узоқликда жойлашганлигига мутаносиб равишда бўлар эди. Шу сабабли Ҳиндистон, Форс ва Арабистондан келган элчиларга олти ойлик, Камбожа, Суматра ва Явадан келган элчиларга тўрт ойлик, Хитой билан чегарадош Тямпадан келган элчиларга уч ойлик озиқ-овқат таъминоти берилган. Кучли давлатлар элчилар биринчиликда бир-бирларига ён беришмаган. 758 йил 11 июнда уйғур давлати ва Аббосийлар халифалиги элчилари бир пайтда Хитой саройига келишганда сарой дарвозаси олдида биринчи бўлиб кириш учун тортишганлар. Императорнинг махсус фармони билан бу каби ҳолларда алоҳида тартиб белгиланди: унга кўра иккала элчилар ҳам бир пайтнинг ўзида саройга кириши белгиланди, бироқ турли дарвозалар орқали – чап ва ўнг дарвозалар орқали.

Пойтахтга келган элчиларни шаҳарнинг тўрттала асосий дарвозалари ёнида жойлашган меҳмонхоналардан бирига жойлаштиришган. Айнан шу пайтдан бошлаб элчиларнинг барча ҳаракатлари чет эллик меҳмонларни кутиб олиш ва қабул қилиш, шунингдек император оиласи аъзоларини дафн этиш учун масъул бўлган Хун-лу муассасаси амалдорлари бошқариб турар эдилар. Бу муассаса хорижий мамлакатлар тўғрисида мамлакат учун, айниқса ҳарбий қўмондонлик учун катта қийматга эга бўлган ахборот йиғиш билан шуғулланар эди. Қурул муассасасининг махсус вакили элчиларга келиши билан улар билан гаплашиш учун келар эди. Элчилардан ўз мамлакатларнинг жўғрофияси, урф-одатлари тўғрисида саволлар берилар ва олинган маълумотлар асосида харитала тузилар эди. VIII асрнинг иккинчи ярмида ушбу муассасани географ Цзя Дань бошқарган бўлиб, у хорижий дипломатлар билан суҳбатлашиш натижасида жўғрофияга оид кенг билимларга эга бўлган¹⁰³.

Император элчини қабул қиладиган кун мамлакатда энг масъулиятли

¹⁰³ Қаранг. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М.1981. С.46.

кун ҳисобланарди. Бундай ҳолатларда хорижлик элчини Хитой ҳукмдорининг буюклиги ва қудратини кўрсатишг қаратилган эди. Агар элчи юқори даражага эга бўлса, қишки қуёш туриши куни(кундузи энг қисқа, кечаси энг узун) да ўтказиладиган қабул маросимларда қатнашар эди. Бунда элчини кутиб олишда қабул маросимлари ўтказиладиган залда 12 қатор соқчилар тизилган бўлиб, қилич, ойболта, найза, ёй билан қуролланган, ҳар бир бўлинма муайян рангдаги ялтираб турувчи телпак кийиб турар ва тўти ёки товус патлари бўлган боғлам - эмблема ёки ёввойи от, қоплон ё бошқа жасорат рамзи туширилган байроқ ушлаб турар эдилар.

Барча элчиларни кутиб олишда сарой соқчилари барча маросимларда қатнашар эди. Соқчилар бўлинмалари 5 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг тўрттаси оқ манжур қирғовули патлари билан безатилган телпак ва қизил куйлак кийиб турар, бешинчи бўлинма ёввойи отлар тасвири туширилган қизил *тафта*¹⁰⁴ дан тикилган кийим кийган эди. Барча сарой соқчиларида белбоғида таёқ ва қилич бўлар эди. Бундай кўринишдан кейин хорижлик элчилар императорга яқин келишар ва муносиб ҳурмат кўрсатгандан кейин олиб келган ҳадяларни залга қўяр эди. Шундан кейин уни кузатиб келган амалдорнинг кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда элчи тахтга яқинлашар эди. Император тахтда жавоб қайтармасдан ўтирар ва элчилик муассаса амалдори император номидан ҳадяларни қабул қилар эди¹⁰⁵.

Ҳадя юборган шоҳ ва унинг элчисига жавобан “Осмон ўғли”нинг фуқароси эканлигини тан олиш белгиси сифатида Тан империясининг жарангдор унвонлари берилар эди. Шарибхўжа мамлакати подшоҳи итоаткорлик белгиси сифатида императорга Сюань-цзунга совғалар юборган бўлиб, бунга жавобан император унинг номига ёрлиқ чиқарган. Унга кўра, Шарибхўжа мамлакати подшоҳига император фуқароси эканлигини тасдиқловчи кийим ва лавозимни эгалламаган ҳолда “чап қанот

¹⁰⁴ Матонинг бир тури

¹⁰⁵ Қаранг. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М.1981. С.47.

ҳарбий соқчилари саркардаси” унвони берилган бўлиб, тўқ қизил чакмон ва олтин нақшли қилич совға қилинган. Императордан ушбу совғаларни олган элчи сарой амалдорлари кузатуви остида саройдан чиқиб кетар эди.

Бу каби маълумотларнинг аз-Зубайр асаридан ташқари бошқа манбада келтирилиши, бу бизнинг фикримизни изоҳлашда ёрдам беради ва қиёсий таҳлил воқеалар баёнининг теранлиги ҳамда ҳаққонийлигини оширади.

ХУЛОСА

Манбани ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, манба аввало ўзбек давлатчилиги ҳақидаги бизда мавжуд билимларни янада кенгайтиради. Унда баён этилган воқеаларнинг асосий қисми муаллиф яшаб ижод этган давр, (яъни XI аср) ўзи эшитган ва гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида баҳс юритади ва шундан аён бўладики, берилган маълумотлар асосан ҳақиқатга асосланган бўлиб, биз учун ўтмишимиз ва тарихимизнинг янги қирраларини очишга замин яратади.

Шунингдек, бу манба аввалги томондан исломий араб маданиятини ўрганиш учун керакли материалларини тақдим этади, Араб ва араблашган халқларни бадиий ижоддаги иқтидорларини очиб беради, Иккинчи томондан эса арабларнинг ҳурмат эътибори ва ер юзи подшоҳлари билан алоқалари ҳақида янги саҳифалар (кўринишлар)ни бизга кашф қилиб беради шунингдек, фақатгина арабларнинг эмас балки Марказий Осиёда ҳукм сурган сулолаларнинг маданияти, урф-одатлари ва саройдаги ҳаёт ҳақида маълумот беради.

Тадқиқотнинг олиб борилиши давомида олинган натижалар ва илмий таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бу асардан Сомонийлар ҳарбий кучларини тасвирловчи маълумотлардан биз Сомонийлар қўшинида уларга қарашли ҳудудларнинг шимолий чегараларидаги турли шаҳарлар ва муҳим ерларда жойлашган ғозийлар ва кўнгилли аскарларнинг аҳамияти катта бўлгани ҳақида билиб оламиз, саёҳат давомида келтирилган топографик тафсилотларнинг аниқлиги, шунингдек элчиларни қабул қилиш маросими, унда катта тайёргарликлар кўрилганлиги, саройнинг мисли кўрилмаган даражада чиройли қилиб безатилганлиги, аскарларларнинг кийими ва курол-яроқларининг олтин ва кумушдан махсус тайёрланганлиги, амир

соқчиларининг хизмат вақтидаги кийинишлари ва қурол-яроқлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз . Айниқса бу соҳада мавжуд бўлган билимларнинг жуда ҳам озлигини ҳисобга олсак, мазкур маълумотнинг илмий аҳамияти биз учун жуда каттадир.

2. Кейинчалик бу анъаналар Ғазнавийлар даврида ҳам давом этганини, уларда ҳам ҳарбий ғуломлардан иборат шоҳнинг махсус кўрикчилари бўлганини билиб оламиз. Шунингдек, асарда келтирилган саройда сақланадиган ва асосан маросимларда ҳар доим иштирок этадиган ёвойи ҳайвонлар ва филлар ҳақида ҳамда подшоҳларнинг бундай ҳайвонлардан бир-бирларига совға улашиш сифатида фойдаланганликлари ҳақидаги маълумот ҳам катта илмий аҳамиятга эгадир.

3. Ғазнавийлар амалда қудратли ва мустақил ҳукмдор бўлгани билан Аббосийлар сулоласига мансуб Бағдод халифалари билан ўзаро муносабатларни сақлаш ва давом эттиришга ҳаракат қилганлар.

4. аз-Зубайр келтирган маълумотлар, яъни элчиларни қабул қилишда алоҳида тайёргарлик кўрилганлиги ва саройни безатиш бу шунчаки бадий тўқима эмас, балки ҳақиқатга асосланган қимматли тарихий маълумотдир..

5. Хитойдан анча олисда жойлашган мамлакатлар ўзлари билан дўстона муносабатда бўлган кўшни мамлакатлардан уларнинг элчихоналари орқали ушбу мамлакат манфаатларини Хитойда ифодалашни сўрар эдилар. Бу ўша даврда ҳам бир давлат элчихонасининг бир неча мамлакат номида ва унинг манфаатларини кўзлаб дипломатик алоқалар олиб борганлигидан далолат беради.

6. Элчиларни кутиб олиш ва қабул қилишда барча ҳукмдорлар – Сомоний, Ғазнавийлар, Араб халифали, Сосонийлар ва Хитой подшоҳлари элчиларни ҳайратда қолдириш ва ўз мамлакатининг буюклиги ва қудратини кўрсатиш асосий мақсад ҳисобланган.

7. Бу манбадан биз фақатгина юқорида келтирилган маълумотлар билан чекланиб қолмай, балки Аббосийлар, Фотимийлар, Бувайхийлар ва

Марказий Осиёда мавжуд бўлган сулолалар тарихи, улар давридаги маданий ҳаёт, айниқса тўйларнинг нишонланиши ва элчиларни кутиб олиш маросимлари, шунингдек машҳур шахслар, олимлар, қозилар, уларнинг меърос сифатида қолдирган қимматбаҳо мулклари ва подшоҳларнинг урушлар давомида қўлга киритган ўлжалари ҳамда топилган қимматбаҳо нарсалар, шунингдек уларнинг бир-бирларига улашган совғалари ҳақида жуда ҳам қимматли маълумотга эга бўламиз. Бу маълумотлар бизга ўша даврдаги қозилик иши, меърослар, совға сифатида қандай буюмлардан фойдаланганликлари, шунингдек жойларнинг қадимий номи ҳамда бу подшоликларда мавжуд бўлган кўпгина кичик туманлар ҳақидаги билимларимизни янада оширишга имкон беради.

Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-заҳоир ва-т-тухаф” асарида бошқа манбаларда учрамайдиган қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Асарда Араб халифалари, Сомонийлар ва Ғанавийлар даврида муртазиқа - мунтазам маош олиб ишлайдиган аскарлар сифатида таърифланган.

2. Наср ибн Аҳмад ва Маҳмуд Ғазнавий саройида *саббаъун* - йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи ҳожиблар бўлганлиги тасвирланган.

3. Бухоронинг 1700 та байроғи борлиги, ҳар бир байроқнинг тагида 200 дан 1000 гача айёрлар турганлиги тасвирланган.

4. Сомонийларнинг давлат бошқаруви тизимида Девон ал-Жайш - Марказий бошқарув идорасининг ҳарбий ишлар билан шуғулланган бошқармаси тўғрисида маълумотлар берилган.

5. Маҳмуд Ғазнавий ҳузуриги халифа ал-Қодир би-ллоҳнинг элчиси Абу-л-Аббос ат-Тусий келганлиги тўғрисидаги маълумотлар бошқа тарихий манбаларда учрамайди.

Тадқиқот давомида эришилган натижалар ва олинган хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайрнинг “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф” асарини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиш ва китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун тавсия этиладиган “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фани бўйича дарсликларда Сосонийлар, Араб халифалиги, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Хитой подшоҳлари тарихига оид мавзуларга қўшимча сифатида “мустақил ўқиш учун”, “қўшимча маълумот учун” рукнлари остида асарда келтирилган элчилик маросимлари, никоҳ ва хатна маросимлари, ҳадялар ва қўлга киритилган ўлжалар тўғрисидаги қизиқарли ҳикояларни киритиш;

3. Тарих фанини ўрганишга ихтисослашмаган олий ўқув юртлари учун “Ўзбекистон тарихи” фани ўқув дастурларида Сосонийлар, Араб халифалиги, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Хитой подшоҳлари тарихига оид мавзулар бўйича маъруза ва семинар машғулотларида элчилик муносабатларини алоҳида ўрганлиши лозим бўлган масала сифатида киритиш;

4. Тарих фанини ўрганишга ихтисослашган олий ўқув юртларининг бакалавр таълим йўналишлари учун “Марказий Осиё халқлари тарихи” фани, Магистратура таълим йўналишининг 5A220204-Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари мутахассислиги магистрлари учун “Қўлёзма манбалар билан ишлаш амалиёти” фанига алоҳида мавзу сифатида киритиш.

Яқин келажакда бу манбанинг ўзбек тилидаги варианты яратилиши ўзбек давлатчилиги тарихи бизги номаълум бўлган тарихий маълумотлар билан бойитишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

І. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИ

1. *Каримов И.А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5.– Т.: Ўзбекистон, 1997.– 384 б.
6. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6.– Т.: Ўзбекистон, 1998.– 429б.
7. *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 413 б.
8. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.– 432 б.
11. *Каримов И.А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. *Каримов И.А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13 – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. *Каримов И.А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –280 б.

15. *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -320 б.
16. *Каримов И.А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.:Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. *Каримов И.А.* Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор риожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.–280 б.
18. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 56 б.
19. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.– Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 440 б.

II. МАНБАЛАР

1. *Абу-л-Хусайн Ахмад ибн аз-Зубайр.* “Китоб аз-захоир ва-т-тухаф”. Қувайт, 1959.
2. *Абу-л-Хусайн Хилал ибн ал-Мухассин ас-Саби.* Русум дар ал-халифа.. Изд. М. Аввад. Багдад, 1964.
3. *Абул-Фазл Байхаки.* История Мас'уда. (1030-1041). Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. Издание 2-е дополненное. М.1969. С.380.
4. *Зайн ад-Дин Васифи.* Бадаи ал-вакаи. Критический текст, введение и и указатели А.Н.Болдырева. т.І-ІІ. М.1961.
5. *Ибн аз-Зубайр о Фатимидах.* // Письменные памятники Востока. 1975. М. 1982. <http://www.vostlit.info/Texts/rus10/Zubajr/text.phtml?id=550>
6. История халифов. Факсимиле арабской рукописи, предисловие и указатели П.А.Грязневича и М.Б.Пиотровского. М.:1967.
7. Кабуснамэ. Перевод, статья и примечания Е.Э.Бертельса. М.:1953.
8. *Наршахи Мухаммед.* История Бухары. Перевод с персидского Н.Лыкошин. Под ред. В.В.Бартольда. Ташкент, 1897.
9. *Низом ул-Мулк.* Сиёсатнома. Т.: Шарқ, 1997.
10. *Хилал Ас-Саби.* Установления и обычаи двора халифов. (Русум дар ал-халифа). Перевод с арабского предисловие и примечания И.Б.Михайловой. М.1983. 147 с.
11. *Сыма Цянь.* Исторические записки. (“Ши цзи”). т. І. Перевод с китайского и комментарий Р.В.Вяткина и В.С.Таскина под общей

- редакцией Р.А. Вяткина. Вступительная статья М.В.Крюкова. М. 1969.
12. Сиасет-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия Низам ал-Мулька. Перевод, введение в изучение и примечания. Б.Н.Заходера. М.-Л.:1949.

III. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Арабские источники VII – X вв. Подготовка текстов и переводы Л.Е.Куббеля и В.В.Матвеева. М.;Л.: Изд-во АН СССР, 1960.
2. *Аҳмедов Б. А.* Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (қадимги ва ўрта асрлар), Т., 1991.
3. *Бартольд В.В.* История культурной жизни Туркестана. – Сочинения. т.П. ч. I. М.: 1963.
4. Библиография арабских рукописей. Составила И.Б.Михайлова при участии А.Б.Халидова. М.: Наука, 1982.
5. *Босворт К.Э.* Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. С англ. П.А.Грязневича. М.: Главная редакция восточной литературы издательства “Наука”, 1971. 324 с.
6. *Дашков С.В.* Цари царей Сасаниды. М. 2008. С.43.
7. История народов Узбекистана. – К.В.Тревер, А.Ю.Якубовский, М.Э.Воронец. Т.1. С древнейших времен до начала XVI века. Ташкент, 1960.
8. Каталог арабских рукописей Института народов Азии АН СССР. Вып. 1. А.Б.Халидов. Художественная проза. М., 1960.
9. Каталог фонда Института рукописей АН РУз. В 2-х тт.Ташкент: Фан, 1989.
10. *Крачковская В.А.* О средневековых текстильных изделиях в Средней Азии (мервские ткани IX-X вв.). – “Материалы первой Всесоюзной конференции востоковедов в Ташкенте в 1957 г.”. Ташкент, 1958.
11. *Шефер Э.* Золотые персики Самарканда. М.1981. С.45.
12. *Смирнова Л. П.* История Систан. М.: 1974.
13. Собрание Восточных рукописей ИВ АН РУз. История. Составители: Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. Т., 1998.
14. *Якубовский А.Ю.* Махмуд Газневи. –сб. “Фердовси”, Л.: 1934.

IV. ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Arabic Manuscripts in the Yale University Library / Compiled by L.Nemoy. New Haven, Connecticut. Yale University Press, 1956.
2. A Dictionary of Arabic Manuscripts Edited Between 1954 – 1960 / Collected by S.Munajjid. Beirut: The New Book Publishing House, 1962.
3. *H.A.R. Gibb.* The Arab conquests in Central Asia. London, 1923. 95-8.
4. *Bosworth C.E.* An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition the Samanid Military History. The Medieval

- History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII. P.9
5. *Bosworth C.E.* The Ghaznavids, their empire in Afghanistan and eastern Iran 994-1040. Edinburgh, 1963. P.104, 136.
 6. *Bosworth C.E.* An alleged Embassy from the Emperor of China to the Amir Nasr B. Ahmad: a Condition th Samanid Military History. The Medieval History of Iran, Afghanistan and Central Asia. London: Variorum Reprint, 1977, XXII. 1-13.
 7. *Bosworth C.E.* The imperial policy of the early Ghaznavids. Karachi, 1962. P. 49-82.
 8. *Bosworth C.E.* Early sources for the history of the first four Ghaznavid Sultans. London. 1963
 9. *Bosworth C.E.* An Embassy to Mahmud of Ghazna Recorded in Qadi Ibn az-Zubayr's Kitab adh-dhakha'ir wa't tuhaf.
 10. *Bosworth C.E.* Mahmud of Ghazna in contemporary eyes and in later Persian literature. London, 1966.
 11. *Bosworth C.E.* Military organization under the Buyids of Persia and Iraq". Edinburgh. 1967.
 12. *Barthold W.* Turkestan down to the Mongol invesion. London, 1928.
 13. *Gardizi.* Zain al-akhbar. Berlin, 1928
 14. Handbook of Oreintal History. Ed. By C.H.Philips. London. 1951.
 15. *Hashim Yusuf Abbas.* Society and religion under the Ghaznavids. "Journal of the Pakistan Historical Society". V.6. pt.4. 1958.
 16. *Ibn al-Athir.* Al-Kamil. Cairo, 1929-34.
 17. *Levy R.* The social structure of Islam. Cambridge, 1957. P. 407-57.
 18. *Nazim Muhammad.* The Life and Times of Sultan Mahmud of Ghazna. Cambridge, 1931. P. 160-1, 164-5
 19. *Utbi-Manini.* At-Ta'rikh al-Yamini. (Cairo 1268/1869), II, 110-112 Ibn al-Athir, al-Kamil, ed. Tornberg, IX, 117-8
 20. *Reynolds Y.* Kitab-i Yamini. Historical Memoirs of the Amir Sabaktagin and the Sultan Mahmud of Ghazna. London. 1858.
 21. *Rosen V.* Notices Sommaires des Manuscrits Arabes du Musee Asiatique. Premiere Livrason. St.-Petersbourg, 1881.
 22. *Schlumberger D.* La grande mosque de Lashkari Bazar. – "Afghanistan", 1952. №3.
 23. *Schlumberger D.* Le palais Ghaznevide de Lashkari Bazar. – "Syria", t. XXIX. 1952.
 24. The Elite Possessions of the Manuscripts of the al-Bayruni Institute for Oriental Studies, Tashkent / Prepared by A.Farfour, M.Muti al-Hafiz. Dubai: Juma al-Majid Centre for Culture and Heritage, 1995.
 25. The historical remains of Hilâl al-Sâbî, first part of his Kitâb alwuzarâ' and fragment of his History. Ed. by H. F. Amedroz. Leyden, 1904.